2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 4 (260), 2021 йил 7 январь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Ҳаёт олдимизга яна қанча синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз. Ва биз бунга ҳар томонлама қодирмиз. Чунки бугунги халқимиз — кечаги халқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам — кечаги Ўзбекистон эмас.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Муносабат

ЭЗГУЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ХАРИТАСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномасини ўқиб...

Қудратилла РАФИҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси, сиёсатшунос

XXI асрнинг яна бир йили ўтди. Кўп сўзлаётганимиздан-да оғирроқ, ташвишлироқ келган 2020 йил мозийда қолди. Тарих саҳифаларида унинг қайси бўёқларда битилиши эса олдиндан маълум: ҳар қалай, у солномачилар қўлида кўнгилда шавқ уйғотувчи ёрқин ва ранг-баранг мозаика тусини олмаса керак...

2020 йил ҳақида ўйлаганимда, ёдимга ўтган асрнинг 66-йили тушади. Ўша йили Тошкентда даҳшатли зилзила юз берганида, биз ҳали йигирмага ҳам кирмаган йигитлар эдик. Боз устига, ҳали Иккинчи жаҳон урушининг аламли хотираларининг ҳовури босилмаган, уруш кулфати одамлар юзу кўзидан кўтарилмаган кезлар...

Ўшанда кўрганман. Пастқам томлар остидан ташқарига отилиб чиқаётган болалар, туришга ҳам улгурмай, эмаклаб, девордан нари интилаётган чол-кампирлар, чақалоғини бағрига босиб, изиллаб ташқарига югураётган келинлар...

Афсуски, бу кино эмас, кўз ўнгимизда юз берган воқеа, табиат фожиасининг одам боласи ҳаётига солган вайронкор қутқуси эди.

Ва айни мана шу кўргиликлар менинг ҳаётга, яшаш ва яратишга бўлган тасаввурларимни ўзгартириб юборди. Ва яна англаб етганманки, инсон иродасини ушлаб турадиган таянч — ишонч бўлар экан. Ўша кезларда Тошкентда бошланган улкан бунёдкорликлар одамларга шундай ишончни берган, эртанги кунга руҳлантирган эди.

2020 йилда халқимиз кўлами жиҳатдан ўша таҳликали, ўтмишимизда оғриқли из қолдирган ситамгир хотиралардан қолишмайдиган тақдир билан яна рўбарў бўлди: жаҳонни қамраб олган пандемия ва икки техноген фалокат...

2020 йилдаги воқеаларда одамларнинг асосий ишончи битта муҳим нуқтада жамланди — Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий ирода-си ва халқнинг мустаҳкам бирдамлиги!

Ўзим гувоҳ бўлган бу икки ҳаётий ҳодиса халқимиз, миллатимиз кечмиши, бугуни ва эртаси ҳақидаги менинг тасаввурларимни аниқ ва собит бир мезонга кўтаради: халқимиз буюк ва қудратли, матонатли ва яратувчи, дунё саҳнасида мудом ўз сўзини айтиб келаётган улуғ бир миллатдир. Ҳа, кучли халқларгина буюк тарих ярата олади.

Президентимиз Мурожаатномасини тинглаб, менда шу ва шу каби бошқа яна бир қанча мулоҳазалар туғилдики, уларни Сиз билан ўртоқлашишни лозим кўрдим...

ХАЛҚОНА ВА САМИМИЙ ҲИСОБОТ

Миллий жамиятимизда ва янги давлатчилигимиз ҳаётида сарлавҳага айланган “Янги Ўзбекистон” истилоҳи бир атама ўлароқ бошқа, биз кўрган сиёсий ва мафкуралашган шиор ва чақириқларга қараганда, хийла самимийроқ кўринади менга.

Негаки, у табиий бир жараён сабаб, очиқроғи, зарурат туфайли пайдо бўлган “сифат феномени”дир. Эҳтимол, бунинг сабабларини чорак асрлик турғунлик ва “ёпиқ” сиёсат замиридан излаш керак бўлар. Ҳеч кимни камситмаган, ўтмишга тош отмаган ҳолда айтиш мумкинки, мамлакатнинг фавқулодда очилиши, ички ва ташқи сиёсат траекторияларининг ўзгариши инқилобий даражада бир тўлқин ҳосил қилдики, у биз ҳатто кўникиб қолган кўпдан-кўп қарашларни, стереотипларни “увалантириб” юборди. Ва жамият ҳамда сиёсий ҳаётдаги шу эврилишлар янги қарашлар, ислоҳотлар, янгича яшаш ва меҳнат қилиш иштиёқи ўлароқ янги форматга ўтишга чоғланган ислоҳотларимизни номлашни тақозо этди, десам хато қилмаган бўламан.

Албатта, бу фундаментал ўзгаришлар, шу билан бирга, тугал бир ғоя сифатида “Янги Ўзбекистон”га ҳам истеҳзо билан қараётганлар нафақат ташқарида, балки ичимизда ҳам бор. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

Давоми 3-бетда

Экология

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Ислом ХУШВАҚТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мамлакатимизда мавжуд биологик ресурсларни, уларнинг яшаш муҳитини сақлаб қолиш, инсон фаолиятининг табиатга бўлган салбий таъсири олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудининг қарийб 5 фоизини шундай ҳудудлар ташкил этади. Мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги халқаро конвенцияда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар улушини мамлакат жами ҳудудининг 17 фоизигача етказиш тавсия этилган.

Давоми 5-бетда

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили Бахтиёр Ибрагимов:

“Мамлакатимиз халқаро ташкилот фаолиятининг барча жабҳаларида фаол иштирок этмоқда”

Янги 2021 йил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолияти, шу жумладан, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги учун самарали бўлиши кутилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — мамлакатимиз 1992 йил март ойида аъзо бўлган энг йирик халқаро ташкилотдир. Ўзбекистон ўтган йиллар давомида мазкур нуфузли тузилма ва унинг ихтисослашган муассасалари билан ҳамкорлик кўламини кенгайтириб келмоқда. БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида мамлакатимиз ваколатхонаси фаолият олиб боради. Уни Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили, элчи Бахтиёр Ибрагимов бошқаради.

“Дунё” ахборот агентлиги мухбири 2020 йил амалга оширилган ҳамкорлик натижалари ва 2021 йилдаги ўзаро алоқаларнинг асосий йўналишлари ҳақида дипломат билан суҳбатлашди.

— Бахтиёр Неъматжонович, 2020 йил бутун дунё, жумладан, Ўзбекистон учун синовли келди. Бироқ мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, ўтган йил мамлакатимиз халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда салмоқли самараларга эришди. Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилиш бўйича ва бошқа ташаббусларнинг қўллаб-қувватлангани муҳим воқеа бўлди. Ушбу натижаларга қандай эришилгани ва янги йилда кўзланган мақсадларга эришиш йўлида қандай чора-тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилаётгани ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Давлатимиз раҳбари 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида БМТ, бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш масалалари доимо диққат марказида бўлишини яна бир бор таъкидлади. Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган очиқ, ташаббускор ва конструктив ташқи сиёсатнинг изчиллиги, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг ортга қайтмаслиги ва давомийлиги халқаро майдондаги муваффақиятларимиз гаровидир.

Давоми 2-бетда

Бандлик

ҲАЁТГА МАЗМУН БАХШ ЭТГАН ИМКОНИЯТ

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалар ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўз аксини топиши билан ҳам ғоят аҳамиятлидир. Айниқса, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, бандлигини таъминлаш, жамиятда ўрнини мустаҳкамлашга доир янги тизимнинг ишга туширилиши бизни қувонтирди, янги марралар сари илҳомлантирди.

Давоми 4-бетда

Туризм

ОИЛАВИЙ МЕҲМОН УЙЛАРИ – ҚУЛАЙ ВА ҲАМЁНБОП

Саёҳат инсонга руҳий ва жисмоний қувват бағишлайди, ижодкорларга эса илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади. Дунё кезиш, табиат билан ҳамнафас бўлиш, турфа маданиятлар билан танишиш, тил ва эътиқодларни кузатиш, севимли машғулотлар билан банд бўлиш киши дунёқарашини ўстиради. Мутахассислар йилига камида бир марта саёҳатга чиқувчи одамлар таътилни уйда ўтказувчиларга нисбатан миокард инфарктига камроқ чалинишини аниқлаган. Демак, саломатлигимизда муҳим аҳамиятга эга — саёҳатлар ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиши керак экан.

Давоми 5-бетда

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Хушвақт ҲАЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, юридик фанлар доктори

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида мамлакатимизнинг жорий ва ундан кейинги йиллардаги стратегик ривожланиш йўналишлари бўйича муҳим таклифлар илгари сурилди.

Ундаги ғоя ва ташаббуслар кенг жамоатчилик, бутун халқимиз томонидан илиқ кўтиб олинди. Зеро, Мурожаатномада кўтарилган масалалар Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган кенг қамровли, ҳаётбахш вазифаларни амалга оширишнинг муҳим босқичи, мантиқий давомидир.

Мурожаатнома ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, тинчликни асраш, фаровон ҳаётни барпо этиш мақсадининг ёрқин ифодасидир. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин олишдек улуғ мақсадларга замонавий билимларга эга бўлмасдан, иш услубимизни замонавий талабларга тўлиқ мослаштирмасдан туриб эришиш мумкин эмас. Буни Мурожаатномада келтирилган аниқ фактлар ва далиллар ҳам исботлаб турибди.

Мурожаатномада илгари сурилган давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш масалаларининг аҳамияти ниҳоятда улкан. Мазкур вазифалар 2017 йилда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида белгиланган устувор йўналиш ва вазифаларга тўла мос келади.

Айниқса, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, электрон ҳукумат тизимини янада кенг жорий этиш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш йўналишларидаги ишларни янги босқичга кўтариш вазифаси белгиланган.

Ўз навбатида, ушбу вазифалар ижроси давлат хизматини янада замонавий талаблар асосида ривожлантиришни тақозо этади.

Ушбу мақсадда қуйидаги энг муҳим вазифалар белгилаб олинди:

Биринчидан, давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурати асослантирилди. Бунинг учун уларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш, фаолиятини самарали ташкил этиш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш, "электрон ҳукумат" тизимини кенг жорий этиш вазифаси белгиланди.

Мазкур тизимдаги муаммоларнинг асосий сабаби сифатида бошқарув кадрлари ўртасидаги масъулиятсизлик, билимсизлик, коррупция каби иллатлар кўрсатилди. Дарҳақиқат, давлат бошқарувидаги кўпгина муаммоларнинг туб замирида мазкур сабаблар ётганлигини, афсуски, эътироф этиш жоиз.

Ушбу вазифалар ижроси доирасида давлат бошқаруви ходимлари сонини ўртача 15 фоизгача оптималлаштириш назарда тутилмоқда. Бу йўналишдаги фаолият самарадорлигини таъминлаш ва бўшлиқларни тўлдириш мақсадида электрон давлат хизматлари сонини 300 тага, масофавий хизматлар улушини эса камида 60 фоизга етказиш белгиланмоқда.

Иккинчидан, бошқарув идораларининг ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулият ва жавобгарлигини кучайтириш вазифаси белгиланди. Ушбу вазифа ҳам марказий, ҳам маҳаллий органларга бир хил тегишлидир. Чунки ушбу органлар фаолияти самарадорлиги ҳудудлар тараққиётида намоён бўлади.

Афсуски, айрим ҳолларда марказий ва маҳаллий идоралар фаолиятининг уйғун ҳолда ташкил этилмаганлиги жойлардаги муаммоларнинг ўз вақтида ечим топишига тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун, мазкур органлар фаолиятига туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳаллада амалда қандай ўзгариш бўлганига қараб баҳо берилади.

Яна бир муҳим жиҳат, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги бошқарув

ходимлари сони ҳудуд аҳоли сонидан келиб чиқиб қайта кўрилади. Чунки амалдаги тартибга кўра, ҳудудлар аҳолиси сони ва иш ҳажмидан қатъи назар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг штатлар сони бир хил этиб белгиланган. Бу эса уларнинг фаолият натижасига ноҳолис баҳо берилишига сабаб бўлмоқда.

Учинчидан, маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ҳамда маҳалланинг институционал асосларини такомиллаштириш белгиланди. Мазкур вазифа доирасида учта субъект — маҳаллий кенгашлар, ҳокимлар ва маҳаллалар ўртасидаги муносабатлар янгича ёндашув бўйича ташкил этилади. Унга кўра, маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари ваколатлари кенгайтирилиб, уларга аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш имконияти яратилади. Маҳалла раисига маҳаллий кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш ҳуқуқи берилади.

Шундай қилиб, маҳалла раислари давлат органларидан топшириқ олувчи тузилма эмас, балки, аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этиш вазифасини маҳаллий ҳокимликлар ва ижроия органлари олдига қўя оладиган, уларнинг фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширадиган фуқаролик жамияти институтига айлантирилади.

Жорий йил 12-13 декабрь кунлари Президентимиз Хоразм вилоятига ташрифи давомида "Маҳалла раиси — ислоҳотчи" тамойилига асосланган янги тизимни жорий этиш ғоясини илгари сурган эди. Ушбу билдирилган таклифлар том маънода "маҳалла — жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси" деган эзгу ғояни рўёбга чиқаради.

Тўртинчидан, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши бўйича вазифалар белгиланди. Дарҳақиқат, коррупция тараққиёт кушандаси, эзгу ғоялар заволидир. Ҳеч бир жамият коррупция билан ўз мақсадларига эриша олмайди. Маълумки, сўнгги тўрт йилда коррупцияга қарши кураш соҳасида сезиларли ижобий ютуқлар қўлга киритилди. Бироқ бу ҳаммаси жойида эканлигини англатмайди.

Шу боис, давлатимиз раҳбари коррупциянинг олдини олиш, уни ўз вақтида профилактика қилиш, ушбу йўналишда давлат хизматчиларини мунтазам ўқитиш ва билимини баҳолаб бориш тизимини йўлга қўйиш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Зеро, жамиятда коррупцияга муросасизлик тизими яратилмас, жамият жипсликда бу муаммога қарши турмас экан, уни бартараф этиш қийин.

Ушбу йўналишдаги яна бир муҳим механизм — давлат хизматига кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очиқ тизимини йўлга қўйиш эканлиги алоҳида таъкидланди. Яъни, давлат хизматчиси давлат хизмати остонасидан бошлаб адолатли ва шаффоф тарзда иш бошламас экан, бу иллат камаймайди. Шу боис, келгуси йилдан барча давлат органларида давлат хизматига кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очиқ танлов тизими йўлга қўйилади.

Бешинчидан, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш бўйича вазифалар белгиланди. Таъкидлаш лозимки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, аввало, уни ўқиш ва тушунишдан бошланади. Бунга эришиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини ижрочиларга етказиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Сўнгги йилларда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, давлат хизматчиларида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Айниқса, туман ва шаҳарларда адлия бўлимларининг ташкил этилгани жойларда қонунийликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шу мақсадда келгуси йилда бу борада янги иш тизими жорий этилади. Эндиликда Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимларининг асосий вазифаси қабул қилинган ҳужжатларни масъулларга етказиш, тушунтириш, амалиётда қўллашга кўмаклашиш ва назорат қилишдан иборат бўлиши алоҳида таъкидланди. Шунингдек, ҳуқуқий тарғибот янги шакларда ташкил этилади.

Олтинчидан, келгуси йилда ҳам давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу йўналишда кўпгина ишлар амалга оширилганлигига қарамасдан, муаммолар ҳам талайгина. Бу муаммоларни ҳал этиш учун хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларга янги имкониятлар яратиш бўйича навбатдаги қадам сифатида, ҳаётни ва аёллар муаммоларини яхши биладиган, фаол ва ташаббускор опа-сингилларимиздан иборат Республика Хотин-қизлар жамоатчилик кенгашини ташкил этиш таклиф этилди.

Айтиш керакки, нуроний отахон ва онахонларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий эътиборидаги муҳим масала. Зеро, уларни эъзозлаш ва ардоқлаш нафақат конституциявий, балки, маънавий нуқтаи назардан ҳам жамиятимизга хос хусусият. Айниқса, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 16 мингдан зиёд кексаларга ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш учун тўловлар миқдори оширилиши ҳамда уларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар кўлами кенгайиши давлатимизнинг ижтимоий ҳимоя сиёсатининг муҳим ифодаси бўлди.

Еттинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш йўналишида янги вазифалар белгиланди. Зеро, ушбу тузилмаларсиз фуқаролик жамиятини тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кучайтириш бўйича ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий имкониятлар кенгайтирилди.

Эътиборлиси, давлат ва жамият ҳаётини ислоҳ этишда уларнинг иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Ушбу йўналишдаги ҳамкорликни, энг аввало, таълим, маданият, тиббиёт, экология, қурилиш, кадастр, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш каби муаммоли соҳаларда кенг жорий этиш зарурлиги қайд этилди. Мазкур ишларни ташкил этиш учун, келгуси йилда бюджетдан 60 миллиард сўм йўналтирилиши кўзда тутилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизни янада ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари фаоллиги ошиб бораётгани таъкидланиб, мазкур йўналишдаги ижобий ўзгаришлар қайд этилди. Шунингдек, бундан буён ҳар бир давлат органи ўз кундалик фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиши борасидаги фикрлар жамиятимизда очиқликни таъминлашда муҳим омил бўлади. Чунки оммавий ахборот воситалари жамиятнинг холис "ойнаси" сифатида мавжуд муаммоларни эътиборимизга ҳавола этмоқда. Бунинг натижасида давлат хизматчилари, жамоатчилик ташкилотлари ва фуқаролар тегишли хулосани чиқариб, ўз фаолиятини такомиллаштириш имкониятига эга бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Мурожаатномада шахс, жамият ва давлат ҳаётига оид деярли барча муҳим жабҳалар қамраб олинди. Орттирилган тажрибалардан келиб чиқиб, бугунги ўзгаришлар ва йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил этилди ҳамда олдимиздаги муҳим вазифалар белгилаб берилди. Шубҳасиз, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш йўналишида илгари сурилган таклифлар тегишли соҳаларни ва ҳаётимизни янада фаровон қилишга хизмат қилади.

Галдаги вазифамиз ушбу ислоҳотлар аҳамияти ва мазмунини чуқур англаган ҳолда, ҳаётимизни янада яхшилаш, янгича тартибларни жорий этиш ҳамда эзгу мақсадлар йўлида доимо олдинга интилишдир. Ишончимиз комилки, салоҳиятли ва донишманд халқимиз, ватанпарвар ва фидойи юртдошларимиз бу борада олдимизда турган вазифаларни, албатта, уддалайди. Очиқ демократик давлат, фуқаролик жамияти, фаровон ва бахтли келажак барпо этиш йўлидаги эзгу ҳаракатларимиз бардавом ва самарали бўлади.

"Янги Ўзбекистон" учун махсус

Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили Бахтиёр Ибрагимов:

"Мамлакатимиз халқаро ташкилот фаолиятининг барча жабҳаларида фаол иштирок этмоқда"

Бошланиши 1-бетда

Сўнгги тўрт йил давомида Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослашган тузилмалари фаолиятидаги иштироки изчиллик суръатини касб этди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 ва 75-сессияларидаги иштироки ўзаро муносабатларни ривожлантиришда тарихий босқич бўлди. Давлатимиз раҳбари халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарор ривожланиш, эпидемия ва пандемияларга қарши биргаликда курашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик офатларни юмшатиш, парламентлар ролини ошириш ҳамда бошқа соҳалар бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Бугун ўзаро ҳамкорлик кун тартиби сезиларли даражада кенгайтирилди, юқори даражадаги мунтазам мулоқот йўлга қўйилди ва давом эттирилмоқда, Ўзбекистоннинг глобал ташаббусларини амалга ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2016 йилдан буён Марказий Осиёда барқарор тараққиётни таъминлаш, минтақада туризмни ривожлантириш, таълим ва диний бағрикенглик тўғрисида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган учта резолюциянинг қабул қилиниши мамлакатимиз саъй-ҳаракатларининг халқаро миқёсдаги эътирофи бўлди. Бундан ташқари, БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг шахсий кўмаги туфайли Оролбўйи минтақаси учун Кўпшериклик траст фондининг фаолияти йўлга қўйилди.

2020 йил октябрь ойида Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани тарихий воқеа бўлди. Мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги глобал кун тартибини шакллантиришда иштирок этиш бўйича интилишини аксарият давлатлар қўллаб-қувватлади. 169 та давлат Ўзбекистон номзоди учун овоз берди ва бу, Осиё-Тинч океани гуруҳидаги номзод мамлакатлар орасида энг юқори натижа бўлди.

Ўзбек дипломатияси тарихидаги ушбу улкан муваффақият давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси, мамлакатни тубдан янгилаш, сиёсий жиҳатдан барқарор ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича кенг кўламли ва серқирра дастури самарасидир. Шу билан бирга, бу Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг энг юқори стандартларини амалга оширишга қўшган муносиб ҳиссасининг дунё миқёсидаги эътирофидир.

Биз Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ишлаб чиқиш ва келишиш бўйича музокаралар жараёнини бошлаш учун фаол иш олиб бормоқдамиз. Давлатимиз раҳбари томонидан ўз вақтида илгари сурилган ушбу долзарб ташаббус БМТга аъзо давлатлар делегациялари ва халқаро экспертлар ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Жорий йил ташкилот доирасида мазкур ҳужжатни тарғиб қилиш бўйича "Дўстлар гуруҳи"ни тузишни якунлаб, концептуал қоидаларни ишлаб чиқиш йўлидаги қўшма тадбирларни бошлаймиз ҳамда бошқа аъзо давлатларни ушбу ишларга сафарбар қиламиз.

Табиийки, Ўзбекистон қўлга киритилган ушбу маррада тўхтаб қолмайди. Балки БМТ фаолиятига янада кўпроқ ҳисса қўшиш, халқаро кун тартибидаги масалаларни ҳал қилишда унинг ихтисослашган муассасалари ва аъзо давлатлар билан яқин шерикликни мустаҳкамлашга содиқ

қолади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган ташаббуслар ва таклифлар, БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "Йўл хариталари"ни амалга ошириш бўйича изчил ишлар давом эттирилади. Бу саъй-ҳаракатлар кўп қиррали муносабатларнинг кенг кўламли масалаларини қамраб олган.

— Ўзбекистон ва БМТ деярли барча соҳаларда яқин ҳамкорлик ўрнатган. Хусусан, ижтимоий-иқтисодий, давлат бошқаруви, экология ва бошқа йўналишларда лойиҳалар амалга оширмоқда. Доимий ваколатхонанинг ушбу жараёндаги роли ҳақида нима дея оласиз?

— Ўзбекистон БМТ билан ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш тарафдори. Зеро, мазкур ташкилот глобал хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, барқарор ривожланишга кўмаклашиш, замонамизнинг энг мураккаб муаммоларини ҳал қилиш бўйича ягона универсал халқаро тузилмадир.

БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилиш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига тўла жавоб беради. Бу иқтисодиётни модернизация қилиш, озиқ-овқат ва энергия хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, жамиятни янада демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш жараёнида ташкилотнинг улкан салоҳиятидан фойдаланиш имкониятини тақдим этади.

Ўзбекистон раҳбари томонидан БМТ билан ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш, уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича белгиланган вазифалар ижроси доирасида Доимий ваколатхона вазирликлар ва идоралар, шунингдек, БМТ агентликлари ва уларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳамкорлигида ташкилот билан ўзаро алоқаларни фаоллаштириш бўйича тизимли чора-тадбирларни кўрмоқда.

БМТ агентликлари томонидан 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига катта қизиқиш билдирилди. Натижада БМТ Тараққиёт дастури салкам 25 миллион доллар миқдорда донорлик маблағини жалб қилишга муваффақ бўлди. Ўтган йили ушбу маблағлардан 14 миллион доллардан зиёди экология, энергетика, гендер тенглиги, адлия, муносиб меҳнат, институционал ривожланиш соҳаларида 33 та дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Ушбу мувофиқлаштирилган уч томонлама қўшма саъй-ҳаракатлар жараёнида ўзаро англашув бўлмаганида бундай муҳим натижаларга эриша олмаслигимизни таъкидлашни истайман. Дипломатик ваколатхонамиз БМТ раҳбарияти ва унинг барча даражадаги ихтисослашган тузилмалари билан сиёсий мулоқотни амалга ошириб, уни ривожлантирмоқда, ушбу тузилмаларнинг Ўзбекистон вазирликлари ва идоралари билан яқин ҳамда конструктив ҳамкорлик қилиши учун қулай шароит яратмоқда ва ёрдам бермоқда.

Доимий ваколатхона томонидан амалга оширилаётган БМТ раҳбарияти ва аъзо давлатларни Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотлар натижалари, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши билан таништириш, шунингдек, миллий шерикларга БМТ тузилмалари қарорларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, шундан келиб чиқиб дастурий ва лойиҳавий фаолиятга ўзгартиришлар киритиш, ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли йўналишларини аниқлашда кўмак бериш бўйича ишлар муҳим аҳамиятга эга.

— Бахтиёр Неъматжонович, БМТдек энг салоҳиятли халқаро платформада Ўзбекистонга муносабат қандай, мамлакатимиз қиёфасида рўй бераётган туб ўзгаришлар, унинг ички ва ташқи сиёсати қандай қабул қилинмоқда?

— Бугун БМТда Ўзбекистонга катта эътибор қаратилмоқда. Бу мамлакат раҳбариятининг очиқ, конструктив ва чуқур ўйланган ташқи сиёсати туфайли республиканинг халқаро миқёсдаги фаолиятининг сезиларли даражада фаоллашгани билан боғлиқ. Давлатимиз раҳбари томонидан БМТнинг юқори минбаридан илгари сурилган ташаббуслар дунё ҳамжамияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда ва глобал тинчлик, барқарор ривожланиш ва минтақавий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга муҳим амалий ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистоннинг БМТ доирасида минтақавий хавфсизлик, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва мамлакат иқтисодиётини қайта тиклаш, экологик муаммоларни ҳал қилиш, хусусан, Орол инқирози оқибатларини юмшатиш, динлараро бағрикенгликни таъминлаш ва ёшлар учун қулай шароит яратиш борасида муҳим ташаббусларни илгари суриш бўйича мисли кўрилмаган фаолияти юқори баҳо олмоқда.

Ўзбекистоннинг терроризм ва экстремизм таҳдидларига қарши курашиш, шунингдек, замонамизнинг ушбу ҳодисалар билан боғлиқ бўлган янги муаммоларига ечим топиш бўйича саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари эътироф этилмоқда. БМТ экспертлари ва аъзо давлатлар делегациялари мамлакатимизнинг Сурия ва Ироқдан аёллар ва болаларни қайтариш бўйича "Мехр" туркум операцияларини ташкил қилиш, шунингдек, уларни тиббий ва ижтимоий реабилитациядан ўтказиш бўйича муваффақиятли тажрибасини катта қизиқиш билан ўрганмоқда.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги объектив ютуқлари халқаро ҳамжамиятнинг мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилиш, ижобий тажрибамизни ўрганиш ва тарқатишга бўлган қизиқишини оширмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми, шунингдек, "Ўзбекистон ва БМТ: Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги ҳамкорлик" ва "БМТнинг 75 йиллиги: келажакка назар" туркум глобал мунозаралар ўтказилгани Ўзбекистоннинг глобал сиёсат ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги роли ошиб бораётганлигининг ёрқин далили бўлди.

Ҳамкорликнинг янги муҳити самарасида Ўзбекистон БМТ фаолиятининг барча жабҳаларидаги жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланди. Бу эса аъзо давлатларнинг республикамиз билан муносабатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз саъй-ҳаракатлари БМТ раҳбарияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар сайёрамизда тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлашга қаратилган барқарор ривожланиш бўйича глобал мақсадларга тўлиқ мос келаётгани бунга сабаб бўлмоқда.

Наргис САЙДАЛИЕВА суҳбатлашди.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



ЭЗГУЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ХАРИТАСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномасини ўқиб...

Бошланиши 1-бетда

Биз мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида кўп гапираётирмиз. Аммо аксарият воизларимизнинг “нутқ”ларини эшитсангиз, аслида уларнинг ўзи бугунги ўзгаришлар ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслигини сезиб қоласиз. Тасаввурнинг етишмаслиги эса баъзиларимизни яна эски замонларнинг мумтоз усули — “ура-ура”, “яшасин-яшасин” каби кампаниябозликлар сари бошламоқда.

Бироқ кечаётган жараёнлар, мамлакат ҳаётида юз бераётган глобал янгиланишлар шунга муҳтожми, кампаниябозликларга эҳтиёж борми?

Мен ўйлайманки, йўқ! Негаки, биз остонасида турган бу янги ҳаёт бизнинг тасаввурларимиздагидан юз чандон ўзгачароқдир. У мақтов ва зўраки қўлловларга муҳтож сунъий ҳаракат эмас, одамлар ва мамлакат тақдирини ўзгартиришга астойдил киришган, расмий медиамакон орқали фуқароларидан олқиш умидвор бўлиб турадиган эмас, аксинча, одамларнинг, оддий одамларнинг қаддини кўтаришга, уларни ҳаётга мағрур боқишга, кўраётган кунидан рози бўлиб яшаш учун зарур шароит яратиб беришга бел боғлаган, айтиш мумкин бўлса, халқпарвар, заҳматкаш халқимизнинг ўзидай содда ва самимий, жўмард ва беминнат бир ҳаракатдир.

Биз сиёсатчи ва мафкурачиларнинг кўпчилигимиз эса оёғимизга ўтган асрнинг 70-йилларида илиб олган чориғимизни судраб “эски касал”имиз “хуруж”и домида қолдик. Замон ўзгарганини, дунё янгиланганини, кўз олдимизда авлодлар алмашинуви кечганини пайқамадик. Президентимиз бошлаган ишлар, амалга ошираётган буюк ташаббусларни илғамадик. Ва айнан мана шу қусурларимиз жамият тафаккури ўзгаришини мудом ортга суриб келаётган омилларнинг асосийси бўлса, ажаб эмас.

Шу маънода, мен Президентимиз Мурожаатномасини тинглар эканман, унда қилинган ишлардан мақтаниш ҳисси, амалга оширилган ўзгаришлардан ҳаволаниш кайфиятини илғамадим.

Ҳаммаси оддий, барчаси самимий гаплар. Иддао йўқ, миннат йўқ. Ўзини шу халқнинг чин фарзанди деб биладиган, Миллат ва Ватан тақдирини ҳаётидан, ширин жонидан устун қўядиган қобил ва мард бир ўғлоннинг она халқи олдидаги ҳисоби...

ЮКСАЛТИРУВЧИ КУЧ МАНБАИ

Моҳиятан олганда, Юртбошимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси қилинган ишларга бир назар солиш, келгусидаги режаларни белгилаб олишни англатади.

Мурожаатномада эътиборимни тортган нарса шу бўлдики, Шавкат Мирзиёев Президент сифатида илк иш кунини бошлаган кунлардаги сиёсий ракурс ўзгармаган. Жамиятдаги энг оғриқли нуқталаримиз — таълим, тиббиёт, илм-фан соҳаси ва камбағалликни қисқартириш, суд-ҳуқуқ, иқтисодиётни диверсификациялаш ва ташқи сиёсатдаги ислоҳотларни изчил амалга ошириш мудом мамлакат истиқболини белгиловчи асосий омиллар ўлароқ қаралаётгани сиёсий ироданинг метинлигини, бошланган ишлар аввалбошдан пухта ўйланганини, муҳим асосларга эга эканини англатади. Қолаверса, бу ишонч ва қатъият ҳаракатларнинг жамият қатламларига сингиб, одамларимиз қалбида алангаланиб, катта илҳомбахш кучга айланаётгани билан ғоятда аҳамиятлидир.

Бугун мен ишонаманки, одамларимиз ўз тасаввурларида давлат ҳақидаги тушунчасини ўзгартира бошлади. Бу Шавкат Мирзиёев сиёсатидаги энг катта ютуқлардан биридир.

Бунга ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ ўз кўзинг билан кўриб, гувоҳ бўлганинг барибир бошқача таъсир қилар экан.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам мутасадди идоралар, банклар ва ҳокимликлар билан биргаликда Президентимиз ташаббуси ва топшириғи билан жойлардаги аёллар муаммоларини ўрганишга киришди. Жараёнда 6 миллиондан ортиқ аёлларимизнинг муаммолари ўрганилди.

Тасаввур қилинг, шунча одамни уйма-уй юриб, ҳар бири билан юзма-юз гаплашиш осон ишми? Лекин шу кўзга қийин кўринган, мамлакат тарихида ҳам, тажрибасида ҳам бўлмаган иш уддаланди.

Жараёнда кўрдикки, узоқ йиллар ўз кучи ва Яратганнинггина мўъжизасидан бўлак умидланадиган нарсаси қолмаган аёллар, опа-сингилларимиз ўзларига кўрсатилаётган меҳрдан, оқибатдан ва ниҳоят ўз туриш - турмуши, ҳаёт тарзидан хўрлиги келиб, ҳўнграб йиғлаб юборишарди.

Улар анча йиллардан буён барча эшикларини беркитиб олган, адолат у ёқда турсин, оддийгина ўз ҳақ-ҳуқуқларини сўраса, жиноятчига чиқариб қўйишидан қўрқадиган давлат остонасига келиб, узр сўраётгани, ёрдам беришга чоғланганини тасаввурларига сиғдиролмаётгани юз-кўзларидан кўриниб турарди.

Албатта, бу — оғир, одамнинг юрагини ўртайдиган бир ҳолат. Аммо ҳақиқат, биз узоқ йиллар ўз қарсакбозликларимиз, баландпарвоз гап-сўзларимиз билан ниқоблаб, ёпиб келган аччиқ ҳақиқатдир.

Шу дамда Лотин Америкаси адабиётининг йирик вакили Габриэль Гарсиа Маркеснинг бир гапи эсимга тушмоқда: “Мени ишонтиринг дунёни ўзгартириб юбораман”.

Айни шу жараённинг ичида юрганим учун айта оламанки, давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуси жамиятнинг энг катта ва энг муҳим қатлами бўлган аёлларнинг қалбига ишонч нурларини олиб кирди. Ишонч эса барча ҳаётбахш кучларнинг манбаидир.

“ҲАЁТБАХШ УЧЛИК” МОДЕЛИ

Жамиятни қатламларга бўлиб ўрганиш ва барча “гуруҳ”лар характери, мавжуд аҳволи ва табиатидан келиб чиқиб чоралар белгилаш, улар билан индивидуал ишлаш янги сиёсатнинг диққатни ўта жалб этадиган яна бир жиҳатларидан, десам янглишмайман.

Бугун кўпчилик экспертлар томонидан эътироф этилаётган ушбу **“ҳаётбахш учлик” модели** (рухсат берсангизлар мен бу ҳаракатни шартли равишда шундай аташни таклиф қилган бўлардим) — “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар” атамаларининг пайдо бўлиб, турмушимизга сингиши ҳамда жамиятни камбағалликдан қутқаришнинг асосий сиёсий лейтмотивига айланиши бугун биз учун кўп нарсани англата бошлади.

Моҳият эътибори билан бир мақсадга қаратилган бу тизим мавжуд муаммоларни енгишнинг, унга қарши курашишнинг ўзига хос аниқ шаклларини яратди.

Унга кўра, аёллар масаласи, Президентимиз таъбири билан айтганда, **“...Аёлларнинг андиша қилиб, биз эркакларга айта олмаган дард-у ташвишлари, кундалик муаммолари, орзу-ниятларини уларнинг ўзидан бўлак яхши тушунадиган инсон йўқ”.**

Ёшлар муаммолари эса барчамиз англаб турганимиздек, бу ўй-ташвишлардан кескин фарқ қилади. Бу кўпчилик ҳолларда глобал дунёда кечаётган ўзгаришлар, юқорида айтганимиздек, ҳаётимиздаги авлодлар алмашинуви билан боғлиқ омилларни, қолаверса, жамиятдаги тектоник ва шу билан бирга, яратувчилик манбаи бўлган демографик “ўсувчанлик”ни тўғри парвариш этиш, эл-юртига садоқатли, қудратли ва илмли авлодни вояга етказишни ўз ичига олади.

“Темир дафтар” эса жамият контекстида кўзга зирапчадай санчилиб турган умум йўқсилликни аниқлаш ва уни босқичма-босқич бартараф этиш вазифасини ўз “зиммаси”га олган.

Аҳамиятли ва эътироф этиш шарт бўлган жиҳат шундаки, бу модель биз аксарият ҳолларда ўрганиб қолганимиз ялтироқ қоғозга ўралган “пуч ёнғоқ” эмас, балки аниқ дастурларга эга бўлган, молиялаштирилган бир ҳаракатдир. Унинг ишлаш механизми, сарфланадиган харажатлар ва берадиган самараси пухта ҳисоб-китоб қилинган.

Мурожаатномада Президент ўзи ўйлаган, муаммога самарали ечим бўла олади, деб билган ғоясининг амалий жиҳатларини аниқ-тиниқ асослаб берди.

СИНОВЛАРДА ТОБЛАНГАН МИЛЛАТ

Ҳақиқатан ҳам, 2020 йил оғир келди. Коронавирус пандемияси халқимизни ҳам, давлатни ҳам жиддий синовдан ўтказди. Ҳозир пандемиянинг оғир асоратлари ҳақида эмас, бир жиҳат ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Бу — оқилона сиёсат — Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўра билиш қобилияти, Миллат ва Ватанга бўлган чин ва самимий муҳаббати ҳақида.

Очиғи, вирус қутурган, халқ таҳликага тушган кезларда мен Президентимизнинг нигоҳида улуғ бир дардни — “халқ қайғуси”ни кўрдим. Тез-тез ўтказилаётган видеоселектор йиғилишларида асосий эътиборни пандемия вазиятларидан бошлар эди. Кўплаб қарорлар қабул қилди. Ва шунда англаб етдимки, давлат раҳбарининг хаёли мудом шунда бўлди — эл саломатлигини асраш, имкони борича, пандемияни йўқотишларсиз ўтказиш...

Аммо иқтисодиёт араваси ҳам тўхтаб қолмаслиги керак эди. Бир нафас ҳаракатсиз қолган иқтисодиётнинг истиқболда оғир депсинишлари бўлиши аниқ. Бу йўлда Шавкат Мирзиёев ўзига хос услубни қўллади — ҳар қандай шароитда ҳам иқтисодий таназзулга йўл қўймаслик.

Келинг, бу ҳақда бир халқаро эътирофни айтиб ўтсак:

“Бошқа томондан олиб қараганда, коронавирус эпидемияси ички эмас, балки глобал миқёсдаги халқаро ҳодисадир. У глобал миқёсдаги инқирозни, хусусан, глобал иқтисодий инқирозни келтириб чиқарди, — деб ёзади UzAnalytics сайтида сиёсатшунослик фанлари доктори, Москва давлат халқаро муносабатлар институти ва Миллий тадқиқот университети “Олий иқтисодиёт мактаби” профессори Андрей Казанцев. — Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистондаги вазият ўзига хос бўлиб чиқди, чунки бу ерда коронавирус инқирози аввалги йиллари бошланган яна бир жараён билан “кесишди”. Ушбу жараён — Президент Шавкат Мирзиёев бошлаган иқтисодий ислоҳотларнинг изчил давом этишидир. Менимча, Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар ташқаридан яхшироқ кўринади ва республика аҳолиси ушбу ислоҳотлар натижаларига етарлича баҳо бера олмаслиги мумкин. Аммо макростатистикага эътибор қаратсак, бу ислоҳотлар сезиларли иқтисодий ўсишга олиб келаётгани яққол кўзга ташланади....”

Президентимизнинг Мурожаатномасини тинглар эканман, пандемия шароитида ҳам халқ дарди, одамларнинг манфаатини асосий мезонга кўтариш сиёсатини янада тўлиқроқ англаб етдим.

Мана қаранг, пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу жараёнда хорижда бўлган ватандошларимиз ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилмади. Уларни ватанга қайтариш, зарур бўлса, кўмак кўрсатиш чоралари кўриш алоҳида эътиборда бўлди.

Аслида бу ниҳоятда оғир жараён эди. Ахир ўтган қарийб ўттиз йилда кўплаб элдошларимиз ночорликдан тақдирини бошқа юртларда кўриш, иш топиш илинжида ватанни маълум муддатга тарк этишга кўникиб улгурган, тирикчилик важидан миллионлаб юртдошларимиз хориж тупроғида юрарди. Бундай шароитда қандай йўл тутмоқ жоиз?

Бунга ҳам хориждан назар ташласак. Андрей Казанцев айни шу жиҳат ҳақида қуйидагича ёзади:

“Пандемия инқирози Россиядаги муҳожирлар ҳолати кескин ўзгаришига олиб келди. Маълумки, Ўзбекистон Россияга энг кўп меҳнат муҳожирини юборадиган Марказий Осиё мамлакати ҳисобланади. Россияда 2020 йили меҳнат муҳожирлари сони икки баравар камайди. Бундан ташқари, буларнинг бари катта муаммолар билан бирга юз берди. Чунки, аэропортлар мамлакатдан чиқиб кета олмаётган одамлар билан тўла эди. Ўзбекистон ҳукумати ўз фуқароларига ёрдам беришга ҳаракат қилди. Шу ўринда бир ҳолатга эътибор бериш керакки, кўплаб бошқа давлатлар муҳожир фуқароларини деярли ташлаб қўйди. Аммо Тошкент бундай йўл тутмади”.

Бу эътирофда мен, энг аввало, улуғ инсоннинг иродасини, халқ дардини ўз дардига айлантира олган жасоратли ватандошимиз, миллат қаҳрамонининг қиёфасини кўраман.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛАБАЛАРИ

Мен Шавкат Миромонович давлат раҳбари бўлиб иш бошлаганда кўпчилик хорижлик таҳлилчиларнинг “Мирзиёевга қийин бўлади, унга оғир сиёсий мерос қолди” деган гапларини очиғи, унча тушунмаганман.

Мана, тўрт йил у киши билан елкама-елка туриб ишлаб англадимки, дунё анча ўзгариб, биз ундан олисда қолиб кетган эканмиз. Фақатгина суверенитетни сақлаш, ҳар қандай йўл билан бўлмасин, тинчлик-хотиржамликни ушлаб туришнинг ўзи етарли эмас экан. Бу ёқда кун сайин глобаллашиб бораётган дунё, жаҳон давлатлари билан тенгматенг қадам ташлаш ва шу билан бирга, дунё саҳнида тан олинган — легитим бир форматда тараққиёт йўлига ўтиш деган гаплар ҳам бор экан.

Ижтимоий тармоқларни кузатган одам шуни англайдики, бугунги жамият тизимдан, бошқарув тизимидан зериккан. Мустабидлик унсурларини ўзига мерос қилиб олган, биз ҳозиргача амалда қўллаб келган тизим ҳаммамиз ич-ичимиздан сезиб турганимиздек, бугунги кунларга мос келмай қолди. Президентимиз Мурожаатномасида буни жўяли изоҳлади:

“Маҳаллий ҳокимлик ва Кенгашлар бундан 27 йил аввал, яъни ҳокимлик институти жорий этилган дастлабки пайтда қабул қилинган қонун асосида ишламоқда. Бу ҳужжат бугунги ислоҳотларимиз талабларига мутлақо жавоб бермаслигини ҳисобга олиб, уни тубдан янгилаш зарур...”

Бу гап нега бундан уч ё тўрт йил илгари эмас, бугун айтилди, деган савол туғилиши мумкин. Менинг назаримда, ўйланган ислоҳотлар босқичма-босқич, пухта режа асосида амалга оширилаётир. Яъни жамият ва сиёсий элита кўниккан тизимни “истеъмол”дан чиқариш учун аввало, уларнинг тафаккурини, қолаверса, зарур ресурсларни янгилаш талаб этилди. Шу ўринда, мен баъзи одамларнинг “нега бунча қарор-у фармонлар, қонунлар кўпайиб кетди” деган иддаоларини англагандай бўламан.

Тўғриси, кўпчилигимиз бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар моҳиятини тўлиқ англаб етмаётирмиз. Ва бу ҳолат кўпчилик ҳолларда кўз ўнгимизда Ўзбекистон бир суверен давлат сифатида тамоман янги қиёфага ўтаётганини, том маънода Янги Ўзбекистон шаклланаётганини тушуниб олишимизга монелик қилаётгандай...

Бугун шундай замон бўлдики, ҳамма сўз айтиб бировни ҳайрон қолдиришга, фавқулодда “замонамиз қаҳрамони”га айланиб шуҳрат тўнини кийишга иштиёқманд. Ҳамма “ҳақиқатгўй”, ҳамма “юртпарвар”, “элпарвар” ва “адолатпарвар”... Ора-сира ўзига шу майдон, эркин сўз айтиш имконини бериб қўйган давлатга ҳам шох ташлаб қўяди. Бундан сал илгарироқ шу гапларни ёза олармидинг, дейдиган одам йўқ. “Янги Ўзбекистоннинг нимаси янги” дея тажанглик қиладиганлар ҳам бор. Ичиқоралик билан барчасини инкор этишга уринадиганлар ҳам. Қалбдаги хусумат, сохта обрў топишга бўлган тийиқсиз иштиёқ ва одамда малол қўзғовчи даволар билан тўйинган кибр бундайларни ҳар кўйга солади. Бир томондан бу — “тўйдирганнинг қорнига...” деган халқ маталини ҳам эсга солади.

Лекин нима бўлганда ҳам, ўйлаб кўрайлик-чи, сўнгги пайтларда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг мазмун-моҳиятини очиб берадиган бир истилоҳ ўлароқ янгиланишларнинг лейтмотивига айланиб улгурган “Янги Ўзбекистон” атамаси бизга нимани англатади? Уни ушлаб турган устунлар нима, нималар уни таниб олишимизга, англашимизга кўмаклашади? Ёки у ҳақиқатан ҳам баъзи “дўст”ларимиз иддао қилаётганидек шунчаки ялтироқ бир гапми? Мана шуни аниқлаб олиш бугуннинг энг муҳим масалаларидан бири.

Аввало, гапни жамиятда содир бўлаётган маънавий янгиланишлар, “музлатилган” идентитет — ўзликни англаш, танитиш борасида ташланган дадил қадамлардан бошласам тўғри бўлади, деб ўйлайман. Зотан, жамиятнинг миллийлашуви биз учун кўп нарсани англатади. Ўтган 25 йиллик мустақиллик даври гарчи, биз учун постколониал ўтиш даври ҳисобланса-да, миллий жабҳада биз орзу қилган, кутган натижаларни бермади. Давлат ва жамият орасида шундай бир қутбланиш ҳосил бўлдики, бу ҳаётда гибрид-дурагай ва айни пайтда миллийлик даъвосидаги неоколониал маданий мафкурани шакллантирди. Унга кўра, тарих “чегаралари”, миллий манфаатлар, маданий ҳис-туйғулар сиёсийлаштирилди.

Эътибор қилинг, ўтган шунча йил давомида “миллат” сўзи сиёсий элита нутқларида неча маротаба ишлатилди? Тарихий ўзанимиз билан бевосита боғлиқ туркийлик ёки туркий қавм истилоҳлари-чи?.. Сиёсий элита нафақат бу катта ва ойдин ҳақиқатларни тан олиш, балки минбарда гапиришдан ҳам узоқ йиллар тийилиб келди.

Ва бу, ўйлайманки, давлатнинг, жамиятнинг тўлақонли миллийлаша олмаганининг асосий сабабларидан биридир. Бундай тутум эса жамиятни мураккаб колониал, постколониал ва деколониал учбурчак ичида эканини “таъминлади”. Жамиятда миллий тафаккур, умуминсоний зеҳният, тил, санъат ва маданий қадриятларга қарашларнинг сиёсийлашуви ва ҳаддан зиёд мафкуралашгани миллий руҳнинг сўнишига олиб келди. Бугун мен баъзи аёнларимизнинг тушуниксиз матнларини эшитиб ёки ўқиб кўп ҳам ҳайрон қолмайман. Негаки, у аввал ўрисча фикрлаб кейин нутқини давлат тилида баён этади. Аслида бу биз, тарихи бир неча минг йилларга борадиган буюк тилнинг бугунги ворислари учун жуда уятли, йўқ, шармандали ҳол, албатта. Тарихга қарашимиз, ўзликни англаш ва тан олиш борасида ҳам биз эски ақидаларга узоқ йиллар “содиқ”лигимизни намоён этиб келдик.

Миллатимиз буюк, тарихимиз ҳеч бир халққа насиб қилмаган шонли ўтмишга эга. Мавриди келганда бу борадаги баъзи мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Зотан, бу бизнинг ўзлигимизни белгиловчи, аслида биз ким эканимизга ҳаққоний баҳо берувчи муҳим бир омил — тарих илми ва унга бизнинг ёндашувимиз масаласидир. Кечагача шонли тарихимизни кимлар ёзиб келгани ва бизга қандай ўргатганини ҳаммамиз яхши биламиз. Улар бир нарсани ўйлаган эди. Ўтмишидан узилган, юлиб олинган миллат худди етимдай қулфеъл бўлади. Маълум маънода бу самара ҳам берди.

Бугун ҳам ҳар мақомга йўрғалаётган, ул ё бул маданиятга ҳавасманд боқаётган, ўтмишга мағзава ағдараётган тўдалар борлиги ўша сиёсат таъсири, дейиш мумкин. Лекин тарихий далил шундайки, бизнинг тарихимиз жуда кўҳна ва шу адоғи кўринмас мозий ландшафтида товланиб турган марваридлар бевосита бизга ҳам тегишлидир. Тарихда сўнмас из қолдирган, бироқ биз узоқ йиллар тайсаллаб, ўзимизни четга тортиб, бегонасираб келган умумтуркийлар яратган тарих, маданият ва тамаддунлар, бир сўз билан айтганда, беназир маданий ва илмий мерос, ҳеч шубҳасиз, бизга ҳам тегишлидир.

Мен нега бу масалага кенг тўхталдим. Шунинг учунки, янги сиёсат бизга қарийб 100 йилдан ортиқ вақт мобайнида тақиқ қўйилган тарихий ҳақиқатларни, миллий ўзлигимизни қайтиб беришдек бақувват сиёсий иродани намойиш этди. Давлат раҳбари мустақиллик даврининг ўтган ўттиз йилида илк бор БМТ минбарида ўзбек тилида нутқ сўзлади. Нафақат МИЛЛАТ, ТУРКИЙЛИК сўзларини айтиш, балки ўз мафкурасига кўра, туркий бирликни англатувчи “Туркий тилли давлатлар кенгаши”га тўлақонли аъзо бўлиб қўшилди. Ва бу маданий ва миллий силжиш ҳозирданоқ ўз самарасини бера бошлади. Қўшни Афғон юртида йилнинг бир куни мамлакатда “Ўзбек тили байрами куни” этиб белгиланиши Янги Ўзбекистоннинг, Шавкат Мирзиёев сиёсатининг энг катта ютуқларидан бири бўлди.

Шу ўринда «Prudent Solutions» таҳлил маркази директори, тарих фанлари номзоди Эсен Усубалиевнинг қуйидаги фикрларига эътибор қаратиш жоиз деб биламан:

“Модомики, айни пайтда Туркия “туркий дунё” номи билан ҳамкорлик ташаббускори бўлаётган экан, бу биринчи навбатда иқтисодиёт, савдо-сотиқ ва энергия ресурслари соҳаларига тегишли бўлади. Шу маънода минтақада Туркия учун ҳам, Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳам президент Ш.Мирзиёевнинг ислоҳотлари ва Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорликка тайёр экани билан боғлиқ жиддий ижобий ўзгаришлар рўй берди”.

Ҳақиқатан ҳам, миллий ғурур, ўзликни танитиш борасида гап кетар экан, муҳтарам Президентимизнинг бу борадаги сиёсати минтақа ҳаётига ҳам таъсир қилаётганини яққол кўришимиз мумкин. Барчамизга маълумки, Шавкат Мирзиёев ислоҳотлари бошлангунча минтақа давлатлари — қўшниларимиз ўз келажакларини мажбурий тарзда турли минтақавий ва халқаро тузилмалар, бирлашмалар мисолида кўриб келди. Ҳатто минтақадаги энг катта ва иқтисодий бақувват давлат ҳисобланмиш Қозоғистон ҳам узоқ вақт давлат сифатидаги ўзлигини Евроосиё мамлакати сифатида шакллантириб келди. Ушбу майдончадан минтақага дахлдор муаммоларни ишлаб чиқишда фойдаланди, шу билан бирга, Марказий Осиёнинг қолган қисми билан Россия ўртасидаги кўприк сифатидаги қулай ўрнини сақлаб қолди. Бироқ Шавкат Миромоновичнинг минтақа ҳаёти бўйича илгари сурган ғоя ва қарашларидан кейин қўшниларнинг минтақа идентитети — ўзига хослиги ҳақидаги қарашлари миллий мансублик нуқтаи назаридан эпик траекториясини ўзгартирди. Эсингизда бўлса, Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилда Самарқандда “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” шиори остида халқаро конференция ўтказилган ва унда Президентимиз минтақамизнинг эртанги порлоқ куни ҳақида гапириб шундай деган эди: **“Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради”.**

Шундан кўп ўтмай, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ҳам “Остона” клуби қатнашчиларига мурожаат қилар экан, шундай деган эди: “Орадан чорак аср вақт ўтиб, тарихи, дини, маданияти ва менталитети — зеҳнияти бир бўлган Марказий Осиё давлатлари билан бирга бўлишимиз, бир-биримизга ёрдам беришимиз ва минтақа хавфсизлигини биргаликда таъминлашимиз Аллоҳнинг иродаси эканини ҳаммамиз тушунамиз...”

Фалсафада шундай тушунча борки, унга кўра, барча нарса зиддига қиёсланганда ўзини ёрқинроқ кўрсатади. Шу маънода гапирганда, кечагина нафақат бизга эргашиш, балки биздан ўзини нари оладиган давлатларнинг Шавкат Мирзиёев бошлаган янги сиёсатни нафақат қўллаб-қувватлаши, балки сафга қўшилиши Ўзбекистоннинг минтақада йўқотилган ўрнини қайта тиклашда муҳим роль ўйнамоқда.

Бу эса, албатта, янги Ўзбекистоннинг катта ғалабаси, десак хато қилмаган бўламиз. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатимизнинг ташқи сиёсат, хусусан, минтақа бўйича белгилаган стратегияси йилдан-йил қатъийлашиб, тобланиб бораётгани шахсан мен учун ниҳоятда қувонарли ҳол.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада бу борада ҳам аниқ таклиф ва ниятларини баён қилгани бу борадаги сиёсатимиз ортга қайтмас йўлга тушганини англатади.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ САОДАТИ

Мен ўз чиқишларимда миллий ландшафтдаги “анъанавий” колоритлар — миллий маданият, санъат, адабиёт ҳамда тил ва тарихга ёндашувимиз ҳақида бир неча бор фикр юритганман ва бундан ҳеч қачон чекинмайман ҳам, чарчамайман ҳам. Зотан, ким нима дейишидан қатъи назар, бугунги глобал дунёда ўзликни сақлаб қолиш, мозаикадай турланиб бораётган умуммаданиятлар (“оммавий маданият”) гирдобида йўқ бўлиб кетмаслик, дунё саҳнасида ўз сўзимиз ва қарашларимиз билан собит туришга эришиш ҳар қачонгидан-да муҳим аҳамият касб этмоқда. Хурсанд бўладиган жиҳат шундаки, Президент айни шу жабҳани ҳам давлат сиёсатининг муҳим стратегик вазифаларидан бири этиб белгилади.

Халқимизда “асл айнимас” деган ҳикматомуз гап бор. Буни марварид қанча пайт чанг-ғубор тагида ётса-да, ўз қийматини сақлаб қолади, уни артиб тозаласанг жилоси билан яна кўзларингни қамаштиради, латофатини тиклайди ва шуниси билан ҳам у қийматлидир, деган мулоҳазалар билан ҳам қувватлаш мумкин.

Бугун миллий жамиятимизда, айтиш мумкин бўлса, ана шундай заргарона “жилолаш” тенденциялари кечмоқдаки, бу юзлаб йиллар парда ортида қолиб келган буюк халқимизнинг инсоният олдидаги ўлмас хизматларини кўрсатиш билан бирга, дунёга бу ёруғ оламда шундай қудратли бир халқ бор эканини ҳам намоён этади.

Мен юқорида аждодларимиз маданияти ҳақида бекорга эсламадим. Зотан, биз ўрганган, тарих бизга ўргатилганидан кўҳнароқ, бизга чизиб берилган рассомнинг холстидаги тасвир аслидагидан анча буюкроқдир. Президент Шавкат Мирзиёев ҳаракатга келтирган “маданий силжиш” бизни бугун ана шу асл ўзлигимиз сари “суриб” бораётир.

Бироқ буни теран тушунадиган, англайдиган одам борми? Ёки буни жамият учун шарҳлаб берадиган, оддий одамларимизнинг, ёшларимизнинг қулоғига қуядиган ижтимоий қурим-институтларчи? Таассуфки, жамиятимизда бундай куч кўзга ташланмаяпти.

Назаримда, шу ишларни қилиши керак бўлган одамларнинг кўпи айни пайтда бир-бирига турли хилдаги кераксиз маълумотномалар, шаблон инфографикалар жўнатиш билан банд. Эски касаллик. Шу боис ҳам ижтимоий тармоқлардаги ғала-ғовурларга қулоқ тутсангиз, юқорида айтганимдай, “янги Ўзбекистоннинг нимаси янги, биз қайси йўлда кетаётирмиз” деганга ўхшаш талмовсираш ёки хусуматли қарашларга дуч келишингиз мумкин.

Жалолиддин Румийнинг бир гапи бор: “Боғ хаёли боққа, дўкон хаёли дўконга олиб боради”. Ҳикматдан чиқадиган мазмун шуки, ниятнинг ижобати кўнгилдаги истак-хоҳишга боғлиқ. Албатта, ичиқоралик, кибр ва манманлик, инсон боласига ота мерос қусурлар. Бироқ қуёшни қора деб тентакларча оёқ тираб исботлашга уринганимиз билан у қора бўлиб қолмаганидек, азим ҳақиқатлар ҳам бизнинг чапанича феъл-у хуйимиз измида эмас. У ўз йўли, қонун қоидасига кўра, айланадиган собит “орбита”сига эга.

Ҳаётда ўз исботини топган бир ҳақиқат бор: самимият ҳар доим самимийликка чорлайди. Эзгулик буюк ишларимизга, янгиланишларга доялик қилади. Президент чизиб берган эзгулик ва бунёдкорлик харитаси — Мурожаатнома бизнинг ана шундай ишларимиз учун дастуриламал вазифасини ўтайди.

Шак-шубҳа йўқки, XXI асрнинг 21 йили ҳам Янги Ўзбекистон тарихи зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилажак!

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

Тиббиёт

САЛОМАТЛИК МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДАГИ МУСТАҲКАМ ҚАДАМ

Гулчирой ИСОҚОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Сирдарё вилоятида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида тиббиёт муассасаларининг ташқи ва ички қиёфаси, ишлаш тартиби бутунлай ўзгарди, янги, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги 14 та тиббиёт муассасасида 32,260 миллиард сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

200 қатновга мўлжалланган Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 2-сонли оилавий поликлиника биносида инвестиция дастури доирасида 3 миллиард 550 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Мирзаобод, Гулистон, Сирдарё туманлари, Гулистон ва Ширин шаҳар Санитария эпидемиология осойишталик марказларининг таъмирталаб бўлиб қолган вакцина сақлаш омборхонаси ҳам дастур доирасида янги қиёфа касб этди. Бу ишлар учун давлат бюджетидан 407 миллион 646 минг сўм маблағ сарфланди.

Мирзаобод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 25 ўринли туғруқ бўлими, 15 ўринли болалар бўлими, 15 ўринли шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими бинолари қурилиб, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бу юмушлар учун 1 миллиард 440 миллион сўм маблағ сарф қилинган бўлса, вилоят перинатал марказининг 40 ўринга мўлжалланган гинекология бўлими биносини қуриш ва фойдаланишга топшириш харажатлари 4 миллиард 145 миллион сўмни ташкил этди.

Ховос тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиниканинг 200 ўринга мўлжалланган филиалида 1 миллиард 799 миллион сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди. Яна битта муҳим объект — Республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиалининг 42 ўринли даволаш бўлимида 16 миллиард 578 миллион сўмлик реконструкция, монтаж ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Мазкур бино яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Булар натижасида Сирдарёдаги тиббиёт муассасаларида шарт-шароит яхшиланди, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ошди.

ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ

Сирдарёдаги “REKA-MED FARM” Канада — Ўзбекистон қўшма корхонаси 2005 йилдан буён фаолият юритади. У асосан, инфузион эритмали дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

— Корхонамизнинг лойиҳа қиймати 1,2 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Айни пайтда 300 га яқин маҳаллий ёшлар иш билан таъминланган, — дейди мазкур қўшма корхона раҳбарининг ишлаб чиқариш масалалари бўйича бош маслаҳатчиси Маҳмуд Қудзов. — Жорий йилда қўшни Қозоғистон, Қирғизистон ва Россияга 550 минг АҚШ доллари миқдорида дори воситалари экспорт қилдик. Шу пайтга қадар 70 турдаги инфекцион эритмалар ишлаб чиқарган бўлсак, энди уларнинг тури 12 тага кўпайди. Яқин кунларда яна 35 турдаги инфекцион эритмалар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Бундан ташқари, кўз касалликларини даволашда қўлланиладиган 10 турдаги томчи дори воситаларини ички ва ташқи бозорга чиқарамиз,

Энг муҳими, корхона коронавирус пандемияси ва у келтирган қийинчиликларга қарамасдан изланиш ва ривожланишдан тўхтагани йўқ. Хитой, Германия, Ҳиндистон ва Россиядан келтирилган хомашёни қайта ишлаб тайёр маҳсулотга айлантирмоқда. “REKA-MED FARM” корхонасида ишлаб чиқарилаётган инфекцион ва инъекцион эритмалар нафақат ички бозорга, балки Афғонистон, Россия, Грузия, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистонга ҳам “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамғаси билан экспорт қилинмоқда.

Вилоятнинг Сирдарё туманида жойлашган ва 2019 йилда иш бошлаган “NOVUGEN PHARMA” масъулияти чекланган жамияти дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Лойиҳа қиймати 5 миллион долларни ташкил этади. Корхонага Хитойда ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги ишлаб чиқариш ускуналари ўрнатилган бўлиб, унда 57 турдаги импорт ўринни босувчи оғриқ қолдирувчи дори воситалари ишлаб чиқарилади. Яқин ойлар ичида бу ерда суюқ турдаги ампулалар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

— Жамиятимиз Малайзиядаги дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхонанинг филиали ҳисобланади. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни улар ёрдамида ташқи бозорга осон ва тез экспорт қиляпмиз. 100 турдаги хомашёни, асосан, Россия, Хитой, Туркиядан олиб келяпмиз. — дейди корхона директори Жалолиддин Насриддинов.

Фармацевтика саноатида бозор талабини пухта ва пишиқ ўрганмасдан туриб, натижага эришиб бўлмайди. Буни инобатга олган корхона жамоаси янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш устида изланишлар олиб боряпти. Соҳада эса рақобат кучли. Бозор иқтисодиёти соф рақобатга асосланади. Бу талабни тўғри тушунган жамоа ишлаб чиқаришни янада кенгайтириб, экспортдан тушган фойда ҳисобига ички бозордаги маҳсулотлар таннархини туширишни мақсад қилган. Корхонада 100 нафардан ортиқ маҳаллий ёшлар ишлаяпти.

ҚВПДА АНАЛИЗ ЖАВОБИ БИР СОАТДА ЧИҚАДИ

Ховос тумани “Пахтакор” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган Пахтакор қишлоқ врачлик пункти 1982 йилда қурилган. Бу ерда айни пайтда 17 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда.

— Бу ерда 1984 йилдан буён ишлайман. Ҳозирда уч минг уч юз ўттиз олти нафар фуқарога тиббий хизмат кўрсатяпмиз, — дейди ҚВП мудираси Махфират Турсунова. — 2019 йилда маҳалламиз “Обод маҳалла” дастурига киритилди. Ана шу дастур доирасида пунктимиз ҳам қайта таъмирланди. ЭКГ аппарати ва бошқа зарур тиббий жиҳозларимиз бор. Дори-дармонларимиз ҳам етарли. Марказлашган ҳолда келадиган дори-дармонларни имтиёзга эга беморларга ўз вақтида етказиб беряпмиз.

ҚВПда иситиш тизими йўлга қўйилди, иссиқ ва совуқ сув таъминоти яхшиланди. У бир кунда 50 қатновга мўжалланган. Бу йил лабораторияга қўшимча музлатгич ва компьютер берилди. Ҳозирда тиббий хизматнинг электрон шаклига ўтишга тайёргарлик кўриляпти. Аввалари беморлар таҳлиллар жавобини кун бўйи кутган бўлса, энди унга бир соат кифоя қилмоқда.

Бандлик

Ҳаётга мазмун бахш этган имконият

Гулсанам НОРОВА,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги Навоий вилоят “Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази” раҳбари

Бошланиши 1-бетда

“Биз мамлакатимизда истиқомат қилаётган 17 миллиондан зиёд опа-сингилларимиз, қизларимиз, онахон ва момоларимизга муносиб шароит яратиб бериш учун барча имкониятларни ишга солишимиз лозим”, деди давлатимиз раҳбари. Бу барчамизда фахр туйғусини уйғотди. Дарҳақиқат, юрт қудрати, одил сиёсат юритиш хотин-қизларга ҳурмат белгиси билан ҳам ўлчанади. Шу маънода, бугун Ўзбекистон хотин-қизларининг нуфузи ортиб, ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси юксалиб бораётганини ҳам таъкидлаш ўринли.

Мурожаатномада хотин-қизларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши, “Халқ банки” томонидан жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этилиши ҳақида маълум қилинди. Шу ўринда, бугун юртимизнинг тадбиркор хотин-қизлари бизнес ғояларини амалга ошириш йўлида янги режалар тузишга киришганини айтиш жоиз.

Кези келганда айрим мисолларга тўхталсак. Биргина хотин-қизларни касбга қайта тайёрлаш ва тадбиркорлик фаолиятини бошлашида кўмаклашиш бўйича Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги Навоий вилоят “Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази” томонидан 2020 йилда тизимли ишлар бажарилиб, 3 минг 786 нафар хотин-қиз 22 йўналиш бўйича касб-ҳунарга ўқитилди. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси томонидан “Микрокредитбанк” Навоий вилоят филиалига 1 миллиард 600 миллион сўм, “Халқ банки” вилоят филиалига 1 миллиард 500 миллион сўм, “Агробанк” вилоят филиалига 1 миллиард 200 миллион сўм кредит ресурслари 310 нафар хотин-қизнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун ажратилди. Бу юзлаб хотин-қизларимизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, янги иш ўринлари ташкил қилиб, нафақат ўз оиласини, балки қўни-қўшнилари бандлигини ҳам таъминлаб, ҳаётига мазмун бахш этиши учун зўр имкониятдир.

Президентимиз Мурожаатномасида “Темир дафтар”га киритилган ҳар бир фуқарони камбағалликдан чиқариш бўйича “мотивация, қўникма ва молиявий кўмак” тамойили асосида янги механизм жорий этиш, камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши кераклиги таъкидланди. Шу мақсадда 2021 йили маҳаллаларда аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича марказлар ташкил этилиб, бунда касб-ҳунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига 1 миллион сўмгача субсидия бериладиган бўлди. Ўқув курсларини тамомлаб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга ускуналар харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар ажратилади.

Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларга янги имкониятлар яратиш бўйича навбатдаги қадам сифатида Республика Хотин-қизлар жамоатчилик кенгашини ташкил этиш таклифи ҳам бизга зўр илҳом бағишлади. Бу эса, албатта, бизнинг келгусидаги ишларимиз самарадорлигини янада оширади.

Инновация

5G миллий лабораториялари яратилади

Фарҳод ЖУМАЕВ,
Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги “Яшнобод” инновацион технопарки ДУК директори

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ўтган йилнинг мамлакатимиз учун синовли келгани ҳақида тўхталиб ўтар экан, унинг иқтисодий оқибатларини бартараф этишда илм-фан тараққиётига суяниш мумкинлигини таъкидлади.

Аждодларимиз ўрта асрларда оламшумул кашфиётлар қилиб, дунё илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Иккита Ренессансга асос солиниб, заминимиз тамаддун бешиги сифатида эътироф этилган. Президентимиз мамлакатимиз цивилизациялар бешикларидан бўлатуриб, бу соҳада бошқа давлатлардан ортда қолмаслик йўлларини, илм-фанни янада ривожлантириш ва ишлаб чиқариш билан уйғунлаштиришнинг замонавий усулларини белгилаб беряпти. Шу асосда Учинчи Ренессанснинг рўёбга чиқиши учун пойдевор яратилмоқда.

Инновацион ғоялар, муҳим стартаплар, иқтидорли ёшларнинг илмий тадқиқотлари ҳаммаси битта катта майдонда жам бўлган Яшнобод инновацион технопарки Президентимизнинг 2017 йил 5 июндаги “Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида”ги фармони билан Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида “Яшнобод” инновацион технопарки ДУК ўз фаолиятини бошлаган эди.

Бугунги кунга қадар бу ерда 37 та лойиҳа резидент мақомини олди. Улар кимё технологиялари, биотехнологиялар, фармацевтика ва тиббиёт биотехнологиялари, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари, ахборот коммуникация технологиялари ва бошқа йўналишларда фаолият юритмоқда. Ўтаётган йилнинг 1 октябрига қадар ушбу резидентлар томонидан 147,6 миллаиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва ички бозорга сотилган, шу билан бирга, жами 1,1 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Россия давлатларига экспорт қилинган. Турли лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 337 та янги иш ўрни яратилган.

Ҳозирда Ўзбекистонда 3G лабораториялари фаолият юритмоқда, 2021 йилда эса 5G миллий лабораторияларини ташкил этиш ниятидамиз. Улар пойтахтда эмас, республикамизнинг турли шаҳарларида яратилиши эътиборга молиқдир. Илм-фаннинг янги йўналишларини юртимизда ривожлантириш борасида ишларни амалга оширишни ҳам режалаштирганмиз. Бундан ташқари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказларини халқаро аудити ўтказилади.

Мурожаатномада бизни қувонтирган жиҳатлардан бири келаси йилда ҳам тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилиши ҳамда нуфузли хорижий университетлар, илмий ва инновацион марказлар билан алоқаларни кучайтириш, улар билан кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ҳозирги кунда Халқаро технопарклар уюшмаси (IASP)га аъзо бўлиш борасида тизимли ҳаракатлар олиб борилмоқда. “Буюк ипак йўли” илғор технология ва технопарклар уюшмасига (SRHPA) аъзо бўлиш бўйича ҳам сезиларли қадамлар қўйилди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган вазифалардан келиб чиқиб, жорий йил давлат дастурига аниқ ва самарали таклифларни ишлаб чиқиш, бунинг учун эса илғор хорижий тажрибани, халқаро стандартларни ўрганиш, халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишиш мақсадида халқаро анжуманлар, давра суҳбатлари, онлайн конференциялар ўтказишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.

Ишончимиз комилки, Мурожаатномада айтилганидек, 1 миллиард сўмгача давлат харидлари доирасида аванс миқдори 30 фоизга етказилиб, тадбиркорлар қўшимча 1,5 триллион сўмгача айланма маблағларга эга бўлиши, улар фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиши ҳамда Тадбиркорлик кодексининг ишлаб чиқилиши бу соҳа вакилларига катта қулайликлар яратади.

Медиа-тур

Экспорт салоҳиятида самарадорлик ортмоқда

Усмонали НОРМАТОВ

Президентимизнинг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида божхона органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш белгиланган. Шунга мувофиқ “TERMIZ” TIF божхона пости томонидан медиа-тур ташкил қилинди.

Қўшни ва хорижий давлатлардан мамлакатимизга Сурхондарё вилояти орқали кириб келадиган импорт товарлар ва хорижий юртларга ўлкамиздан экспортга жўнатиладиган маҳсулотларнинг 70 фоизи “TERMIZ” TIF божхона постида расмийлаштирилади. Бу масканда якунланган йилда ташқи савдо айланмаси 208 миллион 175 минг АҚШ долларини ташкил этди. Жумладан, импорт ҳажми 29 миллион 566,2 минг, экспорт ҳажми 178 миллион 609,6 минг АҚШ долларига тўғри келди. 2020 йил мобайнида божхона пости томонидан божхона юк декларацияларининг 17 фоизи яшил, 64 фоизи сариқ, 19 фоизи қизил йўлак тартибида расмийлаштирилди. Хавф аниқланганда, уни минималлаштириш чоралари кўрилиши туфайли 111,4 миллион сўмлик қўшимча тўловлар ҳисобланди ва ундириб олинди.

Покистон, Хитой, Россия, Туркия каби хорижий давлатлардан мандарин, банан, шакар ҳамда технологик асбоб-ускуналар, юк автомобиллари импорт қилинган бўлса, Россия, Хитой, Покистон, Туркия, Украина, Қозоғистон каби йигирмага яқин мамлакатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт қилинди.

— Айтиш керакки, “TERMIZ” TIF божхона постида ишбилармонлар учун барча енгиллик ва қулайликлар яратилган, — дейди мазкур божхона пости бошлиғи, божхона хизмати майори Алишер Қодиров. — Сурхондарё вилояти ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, вилоят санитария-эпидемиология осойишталик маркази, “Ўзстандарт” агентлиги Сурхондарё бошқармаси мутахассислари импорт ва экспортбоп маҳсулотларнинг сифатини, истеъмолга яроқлилигини кечаю кундуз назорат қилиб боряпти.

— Мамлакатимизга кириб келаётган импорт ва хорижий давлатларга экспортга жўнатилаётган маҳсулотларнинг таркибидаги нитрат миқдорини ҳамда радиоактив моддалар билан зарарланган ёки зарарланмаганлигини, айниқса, истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон организмга хатарли эмаслигини, шунингдек, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланмаганлигини доимий назорат қилиб боряпмиз, — дейди вилоят санитария-эпидемиология осойишталик маркази бош врачи ёрдамчиси Гулчеҳра Бобожонова. — Хорижий давлатлардан мамлакатимизга кириб келаётган импорт товарлар ҳамда экспортга юкланаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари лаборатория текшируви ва таҳлилларидан сўнг сертификатлаштирилади. Белгиланган меъёрларга жавоб бермайдиган ва сифати бузилган маҳсулотлар юртимиз ҳудудига киритилмайди ва хорижий давлатларга чиқарилмайди.

Тадбиркорлар божхона масканига юк келтирганда, банк хизматига эҳтиёж туғилса, Термиз шаҳрига бориб келишларига ҳожат йўқ. Чунки масканда “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг шохобчаси доимий ишлаб турибди. Бундан ташқари, божхона масканида хориждан келаётган чет эллик ишбилармонлар учун валюта айрибошлаш шохобчаси ҳам мавжуд.

“TERMIZ” TIF божхона масканида импорт ва экспорт юкларини расмийлаштириш жараёни автоматлаштирилган. Ишбилармонларнинг юкларини декларациялаш учун божхона постида декларантлар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Мижозга қайси ходим томонидан хизмат кўрсатиши хавфни бошқариш тизими орқали амалга оширилмоқда.

Бу эса ҳар қандай қинғирлик ва коррупциянинг пайини қирқишга хизмат қиляпти ҳамда божхона қонунларида назарда тутилмаган маҳсулотларнинг юртимизга кириб келиши ва айрим тадбиркорларнинг бож тўловларини четлаб ўтиши каби салбий ҳолатларнинг олдини олмоқда.

“TERMIZ” TIF божхона постида “Термиз карго центр” МЧЖнинг тўртта совутгичли омборхонаси ташкил этилган. Бу ерда бир йўла ўн вагон юк ҳамда 250 тоннадан кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жойлаштириш ва сақлаш имконияти мавжуд. Божхона масканига хорижий ва мамлакатимиз тадбиркорлари маҳсулотларини келтирганда, уларга хизмат кўрсатиш ҳам намунали ташкил қилинган. МЧЖнинг 60 та юк автомашинаси, юк ортиш ва туширишкранлари, шунингдек, 84 ўринли меҳмонхона, автомашиналар турарғоҳи, ресторан, ошхона, санитария-гигиена шохобчалари, автомобилларга газ тўлдириш ва ёнилғи қуйиш станциялари тадбиркорларга сифатли хизмат кўрсатади. “Термиз карго центр” МЧЖ раҳбари Нодир Жалиловнинг айтишича, хизмат кўрсатиш нуқталарида 150 нафар киши иш билан таъминланган. Бундан ташқари, тадбиркорлар келтирган маҳсулотларини омборхоналарга жойлаштириш, сақлаш борасида қўшимча иш ўринлари яратилди.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Туризм



Айни пайтда Урганч ва Хива шаҳарларида 74 та оилавий меҳмон уйлари фаолият кўрсатмоқда. Бу йил пандемия бўлишига қарамай, 103 ўринга эга 11 та оилавий меҳмон уйи иш бошлади. 2020 йил якунида Урганч ва Хива шаҳарларида 5 та янги оилавий меҳмон уйи фойдаланишга топширилди.

ОИЛАВИЙ МЕҲМОН УЙЛАРИ – ҚУЛАЙ ВА ҲАМЁНБОП

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Саёҳатга чиқиш ҳақда гап кетса, кўпчиликни турар жой муаммоси ташвишга солади. Чунки меҳмонхоналар қиммат-лиги боис, режалаштирилган саёҳатни келаси таътилга қолдирганимиз маъқулдек туюлади ёки марокли ҳордиқ чиқаришга улгурмай, ортга қайтамиз. Оилавий меҳмон уйларининг ташкил этилаётгани бу муаммога мақбул ечим бўлмоқда.

Бугун Ўзбекистонда 1400 га яқин меҳмон уйлари сайёҳлар учун хизмат қилмоқда. 2020 йил декабрь ойида Хоразм вилоятида яна 5 та меҳмон уйи давлат реестридан ўтказилиб, хонадон эгаларига гувоҳномалар топширилди.

— Хоразм қадимги Буюк ипак йўли марказида жойлашган бўлиб, Ўзбекистоннинг энг қайноқ сайёҳлик салоҳиятига эга ҳудудларидан бири ҳисобланади, — дейди Хоразм вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти бош мутахассиси Шаҳло Ражабова. — Хиванинг халқаро миқёсда “Очиқ осмон остидаги музей шаҳар” дея эътироф этилиши ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиши нафақат Хоразм вилояти, балки мамлакатимизнинг жаҳон туризм бозоридан муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам замин яратади. Вилоятимиз йил бўйи юртимиздан келувчи ва хорижлик сайёҳлар билан гавжум бўлади. Сўнгги йилларда уларга енгиллик яратиш ва миллий маданиятимиз билан яқиндан таништириш мақсадида меҳмон уйлари фаолияти кенг йўлга қўйилмоқда. Айни пайтда Урганч ва Хива шаҳарларида 74 та оилавий меҳмон уйлари фаолият кўрсатмоқда. Бу йил пандемия бўлишига қарамай, 103 ўринга эга 11 та оилавий меҳмон уйи иш бошлади. 2020 йил якунида Урганч ва Хива шаҳарларида 5 та янги оилавий меҳмон уйи фойдаланишга топширилди.

Хиванинг “Сангар” маҳалласида истиқомат қилувчи Муҳаммад Иброҳимов салкам йигирма йилдан буён туризм соҳасида фаолият юритади. У ўз автомашинасида Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳларнинг туризм объектларига саёҳатини ташкил қилади. Ана шундай сафарлар давомида унда ҳам меҳмон уйи очиш нияти пайдо бўлди. Вилоят туризмни ривожлантириш департаментига бу ҳақда маълум қилганида мутасаддилар таклифни қўллаб-қувватлади. Оилавий меҳмон уйи номини эса Хива хонлигида девон лавозимида хизмат қилган бобоси — Машариб девон номи билан атади.

> Бугун Ўзбекистонда **1400** га яқин меҳмон уйлари сайёҳлар учун хизмат қилмоқда. **2020** йил декабрь ойида Хоразм вилоятида яна **5** та меҳмон уйи давлат реестридан ўтказилиб, хонадон эгаларига гувоҳномалар топширилди.

— Чет эллик сайёҳлар бизнинг турмуш тарзимиз билан яқиндан танишишни истайди, — дейди “Машариб Девон” меҳмон уйи раҳбари М. Иброҳимов. — Уларга бизнинг таомларимиз, яшаш тарзимиз, миллий маросимларимиз қизиқ. Айрим сайёҳлар кундалик ҳаётимиз билан танишиш учун атай ҳовлиларга кириш истагини билдиради. Бу каби ташрифлар бизнинг ҳовлимизга ҳам кўп бора бўлган. Оиламиз билан келишган ҳолда меҳмон уйи очиш учун ҳаракат бошладик. 6 сотихдан иборат ҳовлимизда 2 та катта зал, хоналар, ёпиқ ва очиқ айвонлар мавжуд. Замонавий хоналарни миллий элементлар билан уйғунлаштирдик. Пардаларга атлас, адрас каби матолар билан безак бердик. Идиштовоқлар сотиб олишда ҳам миллийликка эътибор қаратдик. Чунки уйга келган меҳмоннинг илк таассуротини ана шу нарсалар белгилайди. Кичкина боғимизда майдан то кеч кузаккача турли-туман мевалар пишиб, етилиб ётади. Меҳмонлар боғимизда сайр қилишни хуш кўради.

Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби тарихий жойларга зиёратларимиз давомида меҳмон уйларига қизиқиб, уларга қўйиладиган талаблар, хоналарни қандай безатиш ва хизмат кўрсатиш турларини ўрганган эдим. Шу тажриба асосида хоналарни жиҳозладик. Гувоҳнома қўлимизда. Жорий йилда меҳмонлар учун эшикларимиз очилади. Энди уйимиз меҳмонлар билан тўлади. Уларни ташрифидан то кузатиб қўйишгача бўлган жараёнда оиламиз билан хизмат қиламиз.

Ҳозирча 10 кишини кутиб олишга мўлжалланган хоналаримизни талабга кўра яна кенгайтириш ниятимиз бор. Айни пайтда яна қўшимча хоналар қуряпмиз. Рафиқам, қизим ва келиним пазанда. Тухум, кади, гўшт, қўтир бараклар, ижжон, гумма — барчасини маҳорат билан тайёрлайди. Улар тайёрлаган миллий таомларимиз меҳмонларга ёқишига ишонаман.

Сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган ҳудудларда оилавий меҳмон уйлари ташкил қилиш истагида юрган юртдошларимиз талайгина. Яхши-да, меҳмондўст халқимиз ҳам меҳмон кутади, ҳам чўнтаги даромад кўради. Шу баҳонада хонадон эгалари турли маданиятлар билан танишади, дунё халқларининг уйғун ва фарқли жиҳатларини кузатиш имкони пайдо бўлади.

Оилавий меҳмон уйлари қандай талабларга жавоб бериши керак? Унинг меҳмонхоналардан фарқи нимада? Келаётган сайёҳларнинг меҳмон уйларига қизиқиши қай даражада?

Лола ЗАКИРЛАЕВА,
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси меҳмон уйларини ривожлантириш бўлими бошлиғи:

— Оилавий меҳмон уйлари уй эгасининг оила аъзолари билан бирга яшаш тамойили асосида бир вақтнинг ўзида 10 нафаргача ташриф буюрувчи сайёҳларга вақтинча яшаш ёки овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатувчи хусусий уй-жой ҳисобланади. Бундай хизмат уйларига қўйиладиган талаблар меҳмонхоналарникидан анча содда, сертификатлаштириш осон. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлимлари томонидан рўйхатга олинади ва ягона реестрдан тегишли кўчирма берилади.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларида замонавийлик ва миллийлик уйғунлашган оилавий меҳмон уйлари қурилган. Уларда яшаш сайёҳларга урф-одатлар билан яқиндан танишиш имконини беради. Оила аъзолари билан бир ҳовлида яшагани боис, жой тарихи билан танишиши, улар билан миллий таомлар пишириши, ҳатто турли маросимларда қатнашиши мумкин.

Бугунги замонавий дунё креатив фикр эгаларики. Озгина ҳаракат билан бошланган иш ҳам агар сидқидилдан бажарилса, ўз самарасини кўрсатмоқда. Бу борадаги ташаббуслар эса давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда,

Экология

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Бошланиши 1-бетда

Шу сабабли бугунги кунда юртимизда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтиришнинг барча ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда. 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида ҳам 2030 йилга бориб муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини ўн икки фоизга етказиш белгиланган.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни белгилаш ва бошқаришнинг ҳуқуқий асослари “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунда белгилаб берилган. Сўнгги йилларда мазкур қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг янги турлари — ландшафтларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, шу жумладан, “Қизил китоб”га киритилган ноёб ва йўқолиб бораётган турларини, бошқа табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш ва қайта тиклашга, шунингдек, экологик муҳитни яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга кўмаклашадиган давлат биосфера резерватлари, миллий боғлар, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналар, сув минтақа зоналари барпо этишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни давлат томонидан бошқариш тизими самарадорлигини ошириш, уларни янада ривожлантириш, шунингдек, республика экотизими биохилмахиллигини сақлаб қолиш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 20 мартдаги “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан, 2019-2022 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикасида муҳофаза этиладиган 5 та табиий ҳудудни ташкил этиш вазифаси белгиланган эди. Ҳозирги кунда умумий майдони 1 447 143 гектар бўлган Жанубий Устюрт миллий табиат боғи ташкил қилинган.

ЖАНУБИЙ УСТЮРТ МИЛЛИЙ ТАБИАТ БОҒИ ХАРИТАСИ

Табиат боғи ҳудуди таркибига Қўнғирот давлат ўрмон-ов хўжалиги, Хўжайли давлат ўрмон хўжалиги, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ва туман захира ерлари киради. Боғда Ассаке-Аудан чуқури, Устюрт платосининг жанубий чинки, Сариқамиш кўли акваторияси каби хушманзара табиий ҳудудлар бор. Бу ерда глобал даражада ноёб табиат ҳодисасидан дарак берувчи яна бир жой бор. Овал шаклида — чуқурлиги 40 метр, ўлчами 7х10 километр бўлган бу майдонга ўрта неоген даврида (эрамиздан 11-7,3 миллион йил олдин) астероид тушган, деган тахмин мавжуд.

Табиат боғининг хўжалик мақсадида фойдаланиш зоналаридаги ерлар ушбу ҳудудларда жойлашган ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ихтиёрида қолади. Табиат боғи Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. У қўмитанинг Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

Оролбўйи инқироз минтақасида жойлашган Устюрт платоси табиий ландшафтини ва у ердаги биохилмахилликни доимий муҳофазага олиш долзарб масала бўлиб, ҳудуддаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси мамлакатимиздаги бошқа табиий ҳудудлардан ўзига хослиги, табиий ландшафтларнинг эса нисбатан инсон хўжалик фаолияти таъсирида кам ўзгаргани билан ажралиб туради.

Жанубий Устюрт миллий табиат боғи ҳудудининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси бой ва ранг-баранг бўлиб, у ерда сут эмизувчилар, хусусан, Устюрт тоғ қўйи, муфлон, тоғ эчкиси, тўнғиз, ҳинд асалхўри, қорақулоқ, тўқай мушуги, қушларнинг эса йўрға тувалоқ, оққуш, фламинго, сақоқуш каби ноёб турлари, сув ҳавзаларида эса эндемик балиқ турлари учрайди. Ҳудуд ноёб доривор ва техник ўсимликлар турларига бой катта ҳудудлиги билан ажралиб туради. Афсуски, сўнгги йилларда ҳудуднинг ноёб ҳайвонот дунёси вакиллари, яъни турон йўлбарси, гепард, леопард, сиртлон каби ҳайвон ҳамда Амударё катта курак буруни, Орол бақрабалиғи, Орол сулаймон балиғи каби нодир балиқ турлари тиклаб бўлмас даражада йўқ бўлиб кетди.

УСТЮРТ ПЛАТОСИНИНГ НОЁБ ҲАЙВОНЛАРИ

Мазкур ҳудудда браконьерлар томонидан кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган жайрон ва сайғоқларни ноқонуний овлаш ҳоллари кўп учрамоқда. Шунингдек, геологик қидирув фаолиятнинг табиий ландшафтларга техноген таъсири сақланиб қолмоқда.

Жанубий Устюртнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мақомига эга бўлиши бу ердаги биологик ресурслар ва табиий ландшафтлар муҳофазасини тўлиқ таъминлашга замин яратади. Ҳудудда ноёб ҳайвон ва қушларни, сув ҳавзаларида эса эндемик балиқ турларини кўпайтириш бўйича питомникларни ташкил этиш назарда тутилган бўлиб, бу, ўз навбатида, келгусида уларнинг генофондини сақлаб қолиш имконини юзага келтиради.

Миллий табиат боғи ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг долзарб йўналиши бўлган экотуризмни ривожлантириш имкониятини беради. Табиий ландшафтларга бўладиган техноген салбий таъсирлар камайиши ва муҳофазага олинган ҳудуднинг яхлитлиги сақланишига эришилади. Бугунги кунда Фанлар академиясининг Ботаника ва Зоология институтлари олимлари томонидан Жанубий Устюрт миллий табиат боғи ҳудудининг биохилмахиллигини ўрганиш, қўриқлашни таъминлашни талаб этувчи майдонлари географик координатларини, шунингдек, муҳофаза қилиш мақомини белгилаш ишлари олиб борилмоқда

Устюрт платосининг умумий майдони 21 миллион гектарга тенг бўлиб, унинг 7 миллион гектари Ўзбекистон, қолган қисми эса Қозоғистон ва Туркманистон ҳудудларига тегишли. Жанубий Устюрт миллий табиат боғи ҳудуди Туркманистон билан чегарадош бўлиб, келгусида бу ерда трансчегаравий муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш муҳим ҳисобланади.

УСТЮРТ ЧИНКИНИНГ БЕТАКРОР ЛАНДШАФТЛАРИ

Орол денгизининг қуришигача, яъни ўтган асрнинг 60-йилларигача Устюрт платосида нодир ҳайвонларнинг, хусусан, сайғоқ, жайрон, туркман қулони, Пржевальский отларининг минглаб сонли подалари қиш ва баҳор мавсумларида Ўзбекистон ҳудудида, ёз ва куз фаслларида эса Қозоғистон ва Россия томонларда қишлаш учун кўчиб юрган. Орол денгизи Устюрт платосига мўътадил иқлимни таъминлаб берган. Платонинг кўплаб чуқурликларида ёғингарчилик сувларидан сув ҳавзалари пайдо бўлган, минглаб ёввойи ҳайвонлар подалари мазкур ҳавзаларда чанқоғини қондирган.

> **2019-2022** йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикасида муҳофаза этиладиган **5** та табиий ҳудудни ташкил этиш вазифаси белгиланган эди. Ҳозирги кунда умумий майдони **1 447 143** гектар бўлган Жанубий Устюрт миллий табиат боғи ташкил қилинган.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Устюртда сайғоқлар сони шунчалик кўпайиб кетганки, натижада ҳукумат томонидан ушбу ҳайвонларни саноат асосида овлашга рухсат берилган. Шунингдек, ушбу ҳудудда жойлашган чинк (Орол денгизи ҳосил қилган тик қирғоқ қоялари, айрим жойларда баландлиги 350 метрни ташкил этади)да ичишга яроқли сув чиқадиган кўплаб булоқлар, инсон оёғи етиб бормаган минглаб гектар майдонда тўқайзор ва қамишзорлар мавжуд бўлган. Ушбу ҳудудларда аҳоли пунктлари бўлиб, улар, асосан, балиқчилик ва мўйначилик билан шуғулланган. 1941-1945 йиллар давомида маҳаллий халқ фронтга балиқ, ҳайвон ва парранда гўштларини, турли ҳайвонлар тери ва мўйнасини, ҳаттоки Устюрт платосидан тошбақа гўштини ҳам жўнатган.

Жанубий Устюртдаги фауна ва флора дунёси кадастрини юритиш жараёнида зоолог ва ботаник олимлар мазкур ҳудуднинг биохилмахиллиги бошқа жойлардагидан кам эмаслиги, айрим ноёб эндемик ҳайвон ва ўсимлик турлари бошқа ҳудудларда учрамаслигига гувоҳ бўлган. Устюрт чинкининг бетакрор ландшафтлари эса жозибадор эканини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Минг афсуски, сўнгги ярим аср ичида антропоген ва иқлим ўзгариши таъсирида ушбу набот ва ҳайвонот олами генофонди кескин камайди, айримлари эса тиклаб бўлмас даражада йўқ бўлиб кетди.

Ҳудудда бошланган муҳим экологик лойиҳалар бу экологик муаммоларни бартараф этиш, Жанубий Устюртдаги мавжуд фауна ва флора дунёсини ҳамда табиий ландшафтларни сақлаб қолиш, экотуризм салоҳиятини оширишда ўз самарасини беради.

Жалолиддин Мангуберди — миллатимиз ғурури

Мунира ҚАҲҲОРОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси бўлим бошлиғи

Ёшлар қалбида ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат туйғуларини шакллантиришда ўтмишда Ватан озодлиги, унинг орномуси, истиқболи, фаровон эртаси йўлида жонини фидо қилган аждодларимизнинг қаҳрамонликларини ўрганиш, тарғиб қилиш муҳим омил ҳисобланади. Ҳар бир миллат, халқ ўзининг буюк аждодлари тўғрисида муфассал тарихий маълумотларга эга бўлиши керак.

Айниқса, бутун дунёга довруғи кетган, ўзининг ботирлиги ва жанговарлиги билан дунё тарихчиларини лол қолдирган моҳир саркарда Жалолиддин ибн Аловуддин Муҳаммад, яъни Жалолиддин Мангуберди номи алоҳида эътиборга лойиқ.

Бугун унинг шахси, қаҳрамонликлар билан тўла ҳаётига оид қимматли маълумотлар тадқиқотчиларимиз томонидан ўрганилмоқда. Жалолиддин ҳақида қўшиқлар айтилмоқда. Шу билан бирга, саркарда ҳаётига бағишланган сериал ишланаётгани улкан янгилик бўлди. Ўзбек Миллий академик драма театрида ёзувчи Назар Эшонқул қаламига мансуб “Жалолиддин Мангуберди” тарихий драмасининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Тарих — ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда энг буюк қурол. Ватанпарварликда инсоннинг ўзи туғилиб ўсган, камол топган заминига бўлган меҳр-муҳаббати, ижтимоий ва маънавий хислатлари ва фазилатлари мужассам бўлади. Муаррих Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий “Сийрат ас-султон Жалолиддин Мангуберди” асарида Жалолиддинни бундай таърифлайди: “Жалолиддин қорачадан келган, ўрта бўйли, нутқи ибораси туркий бўлса-да, форсий тилда ҳам сўзлар эди. Шижоатли шерлар ичра шер эди. У адолатни севарди. Жалолиддин ўта қатъиятли, ниҳоятда иродали, мураккаб вазиятларда, тақдирнинг қалтис синовларида ўзини йўқотиб қўймайдиган фавқулодда мард ва ботир саркарда эди”.

Буюк олим ва машҳур давлат арбоби Мирзо Улуғбек ўзининг “Тўрт улус тарихи” асарида Жалолиддиннинг жасорати ҳақида тўхталиб, ёзади: “Олам аҳли Жалолиддиндан олдин ҳам ва ундан кейин ҳам бундай буюк жангчини кўрмаган. У шу қадар буюкки, ҳатто буюкликнинг ўзи унинг пойида букилиб қолади”.

Жалолиддин қисқа умр кўрди. 32 йиллик умрининг сўнгги 11 йилини жангу жадалларда ўтказиб, жами 400 дан ортиқ жангда қўшинларга бошчилик қилди. У ҳар бир жангда аскарлар олдида бўлди, биринчи бўлиб душман томон ташланди. Бу жангларнинг аксариятида музаффарият унинг томонида бўлгани нафақат Жалолиддиннинг ўзи, балки уни тарбия қилган халқига ҳам шуҳрат келтирди. Шундан бўлса керак, унинг қаҳрамонликларига бағишланган асарлар ёзилди, ривоятлар тўқилди. Чингизхондек саркарда унга тан бериб, “Жалолиддиндек ўғлим бўлсайди!” деб ният қилганига тарих шоҳид.

Дарҳақиқат, Жалолиддин зийрак инсон эди. У душманни, унинг жанг усулларини ўрганди, устозларидан олган билимлари билан қиёс қилиб, янги усулларни ихтиро қилди. Шу боис, душман Жалолиддиннинг жанг усуллари олдида ожиз эди. Жалолиддин қўллаган жанг усуллари кейинчалик айрим ғарб ҳукмдорлари томонидан ўзлаштирилиб, уларга кўплаб ғалабалар келтирган. Масалан, унинг жанг усуллари кейинчалик французлар томонидан кенг қўлланилгани тарихий манбаларда қайд этилган.

Унинг олимларга эътибори, илмий суҳбатлари ҳақида тарихчи Насафий ёзади: “Султон… Табризда… бир илмий анжуман ташкил этди… Ўзи ҳам минбар қаршисига ўтириб, олимларнинг нутқларини тинглади”. Ҳатто унинг ўлими олимлар ҳузурида содир бўлган. Бу ҳақда муаррих Ойдин Тонарийдан бундай келтирилади: “Бир курд унинг султон эканини билгач, акасининг хуни учун унинг кўксига найза санчиб ўлдирди”.

1998 йилда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги катта тантана билан нишонланди. Хоразмда Жалолиддин Мангубердига ҳайкал ўрнатилди, кўча, майдон, жамоа корхоналари ва бошқаларга унинг номи қўйилди. 2000 йилнинг 30 августида “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилди.

Президентимиз 2018 йил 30 ноябрь куни Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди мемориал боғини ташкил этиш бўйича кўрсатма берган эди. Шунга мувофиқ, лойиҳа таклифи тайёрланди. Давлатимиз раҳбари мазкур ёдгорлик маҳобатли бўлиши, узоқдан ҳам яққол кўзга ташланиб туриши зарурлигини таъкидлади. Унинг қабрини аниқлаш бўйича бир қатор ишлар бошлангани ҳам муҳим янгилик.

Афсуски, Жалолиддин Мангубердига оид кўплаб манбалар, археологик материаллар хорижий мамлакатлардаги илмий марказлар, университетлар кутубхоналарида сақлаб келинмоқда. Уларни ўрганиш юртимиз олимларининг хорижий давлатлар илм аҳли билан ҳамкорлик қилишини тақозо этади. Жалолиддин Мангуберди номида ташкил этилган фонд ҳам шу мақсадларни кўзлаган бўлиб, ҳозир хорижий олимлар томонидан саркардага бағишлаб ёзилган илмий асарларни ўзбек тилига таржима қилиш ишлари бошланган.

Туркиянинг Истанбул, Анқара, Измир, Адана, Диёрбакир каби шаҳарларида жойлашган йирик кутубхоналар, музейларда сақланаётган материаллар билан танишиш, манбалардан фотонусха олиш, Жалолиддин Мангуберди билан Туркияга бориб қолиб кетган туркистонликларнинг ҳозирги авлодлари бўйича тадқиқотлар ўтказиш кўзда тутилган.

Келгусида Жалолиддин Мангубердининг қабрини аниқлаб, мақбарасини Хоразм вилоятида қуриб, ёнида катта кутубхона ташкил этиш, уни хорижда сақланаётган илмий манбаларнинг кўчирмалари билан бўлса ҳам тўлдириш ниҳоятда улкан иш бўларди.

Юқорида қайд этилганларнинг бари ҳали буюк саркарданинг ҳаётий йўли борасида кўплаб тадқиқотлар қилиниши, бунинг учун илмий изланувчи ва тадқиқотчиларимиздан фаоллик талаб этилишини кўрсатиб турибди.

Миллат фидойилари



БИРИНЧИ ЎЗБЕК ҲУҚУҚШУНОСИ, НОШИР ВА МУҲАРРИР

Сайёра ҲАЛИМОВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди

“Она тилисиз ва миллий матбуотсиз дунёда ҳеч бир миллат тараққий ва маданият йўлига қадам қўймайди” (“Садои Туркистон” газетаси, 1914 йил, 20 август). Бу фикрлар битилганидан буён бир асрдан зиёд вақт ўтди. ХХ аср бошларида миллатимиз манфаатларини ҳимоя қилган, халқимизни миллий-озодлик ҳаракатига етаклаган, улуғ маърифатпарварларимиз Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавваркори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Убайдулла Асадуллахўжаев ва матбуотимизнинг бошқа ўнлаб асосчилари “Матбуот нафақат хабар берувчи восита, балки миллатда бўлғон бутун қусурларни ислоҳ қилувчи ҳокимиятдир. Унинг бу ҳуқуқига тажовуз қилмакка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқдир”, дея журналистиканинг муҳим ўрнини юксак баҳолади.

Бу илғор фикрлар ҳамон ўз моҳиятини йўқотгани йўқ. Маърифатли жамият сари одимлаётган янги Ўзбекистоннинг бугунги асосий тараққиёт йўли, жадидларимиз орзу қилганидек, ўзлигини, тарихи, дини ва миллий тилини йўқотмасдан олға интилишдан иборатдир.

Жадидчилик Туркистонда эркин фикр уйғонишига туртки берган кучли ижтимоий ҳаракат эди. Маорифни ислоҳ қилиш, янги усул мактабларини очиш билан фаолиятини бошлаган янги ислоҳот тарафдорлари қисқа фурсатда ўз миллий матбуоти ва адабиётига ҳам эга бўлди. “Тараққий”, ”Шуҳрат”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Ҳуррият”, “Нажот” каби газеталар, “Ойина” журнали эркпарвар жадид ўғлонларининг қалб садосига айланди. Мана шу илғор вакиллар орасида биринчи ўзбек ҳуқуқшуноси, журналист ва миллий озодлик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, большевиклар қатағони қурбони Убайдулла Асадуллахўжаевнинг (баъзи манбаларда Убайдулла Хўжаев деб берилган) алоҳида ўрни бор. У 1885 йилда Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасидаги “Қорёғди” маҳалласида дунёга келган. Отаси Асадуллахўжа махсум ўғлининг ўқимишли, зиёли бўлишини орзу қилган. Билимга чанқоқ, қобилиятли Убайдуллахўжа дастлаб рус-тузем мактабида таҳсил олади. У 1898 йилда Тошкентда мусулмон болалари ўртасида рус тилини ўзлаштириш бўйича ўтказилган махсус танловда ғолиб бўлади. Мактабни тамомлагач, Тошкент шаҳри суд идорасида таржимон сифатида ўз фаолиятини бошлайди. Рус, форс ва араб тилларини мукаммал ўзлаштирган Убайдулла ҳуқуқшуносликка ҳавас уйғонади ва Россиянинг Саратов шаҳридаги юридик олий ўқув юртига ўқишга кетади. Ёш талабанинг уқуви, зукколиги, чаққонлиги устозлар эътиборига тушади, ўқиш билан бирга Саратов шаҳри округ судида ҳимоячи лавозимида ҳам ишлайди.

Убайдулла Асадуллахўжаев 1913 йилда ўқишни тамомлаб, ўз ватанига қайтгач, дастлаб давлат хизматидаги адвокат Иван Чарковский идорасида ишлайди, кейинчалик мустақил равишда адвокатлик ишини юритади. Россия империяси қонунларини яхши билган, ҳам рус тилида яхши нотиқ Убайдулла суд жараёнларида адолат ҳимоячиси сифатида тез орада катта обрў-эътибор қозонади.

ХХ аср бошларида Туркистонда мустабид тузумнинг кучайиши миллат зиёлиларининг мафкуравий ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда бирлашишига олиб келди. Мунавваркори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний каби юртнинг фидойи фарзандлари қаторида Убайдулла Асадуллахўжаев ҳам мустамлакачиларга қарши курашга бел боғлади. У 1913 йилнинг 21 декабрида Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторидан Тошкентда “Садои Туркистон” номи билан хусусий газета чиқариш учун 37882 рақамли рухсатнома олишга эришади. 1914 йил 4 апрелда мазкур газетанинг илк сони босилиб чиқади. Ўша йиллар жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий Самарқандда “Самарқанд” газетаси ҳамда “Ойина” журналини, Фарғонада эса маърифатпарварлар Ашурали Зоҳирий ва Обиджон Маҳмудов “Садои Фарғона” газетасини ташкил этган эди.

Туркистонда матбуотнинг ижтимоий-сиёсий қурол сифатидаги ўрни кундан-кун ошиб борарди. Халқ “Садои Туркистон” саҳифаларида чоп этилган мақолаларни севиб ўқий бошлайди. Газетанинг асосий ижодий жамоасини ўзбек маърифатпарвар адабиёти ва публицистикасининг асосчилари Мунавваркори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Тўлаган Хўжамёров ташкил этиб, улар бир маслак ва ғоя истагида бирлашиб, миллий зулмга қарши курашга киришади.

“Садои Туркистон” газетасининг илк сонида бош муҳаррир У.Асадуллахўжаев “...биз туркистонликлар на замонга қараб ҳаракат қилурмиз, на дин шариатимизга суянурмиз, на тарихимиздан ибрат олурмиз...”, дея халқни оғир забунликдан, қуллик кишанларидан маърифат, илм ва ўз ҳуқуқини англаш орқали фориғ бўлиш учун курашга чорлайди. Пул топиб, ақл топмаган, исрофли тўйлар билан овора бойларни жаҳолатда айблаб, кескин танқид қилади ва ёшларни замона илмидан баҳраманд этишда кўмак беришга чақиради. Ижтимоий-сиёсий мавзулардаги 10 дан ортиқ публицистик мақоласи билан чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини қоралайди. “Бизга ёлғиз гадолик ёки ўғрилик қолур” сарлавҳали мақоласида чор Россияси Туркистоннинг барча ерларини подшоҳлик мулки, деб эълон қилган қонунга қарши исён қилди. “Болаларимизнинг бахтсизлиғига кимлар сабаб?” мақоласида эса ғафлат уйқусида қолган халқни уйғоқликка, “Саноатимиз қўлдан кетур” мақоласида эса ўлкада ишлаб чиқариш тизимини мустамлакачилар эгаллаб олаётганидан қайғуриб, элни огоҳликка чорлади.

Нуширавон Ёвушевнинг “Садои Туркистон” газетасининг 1914 йил 2 май сонида эълон қилинган “Саёҳат парчалари” мақоласида айнан мана шундай маккорона сиёсатга, зулмга қарши исён руҳи очиқ баён қилинган: “Билет олуб кўк вагунга кирдум. Бир одам меним мундоғ киргонумни кўриб, “ҳой бул сарт вагуни эмас, бул вагун русларға махсусдур. Кондуктор кўрса, ўзингизни ҳайдаб чиқарур” деди. “Тезлик ила салла чопонимни чешуб, бошимға телпагимни кийиб олдим. Кондуктор салла чопонлиларни уруб-уруб қизил вагунга ҳайдадилар... Кондукторнинг булар ила бўлғон бад муомалаларин ҳеч бир виждон кўтара олмас, одамни қўли ила уруш, оёғи ила тепиш, алҳосил ҳайвонларға қилмак харом бўлғон муомала ўзбаклар ҳақинда фарз киби адо қилинур эди”.

Убайдулла Асадуллахўжаев ҳаммаслак дўстлари Мунавваркори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Комилбек Норбеков, Тўлаган Хўжамёров, Саидносир Миржалилов, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов билан биргаликда “Турон” жамиятини ташкил қилади. 1914 йил 27 февралда Тошкентда Колизей театри биносида ўзбек миллий театрининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтади. Кўриниб турибдики, миллат фидойилари халқнинг ўзлигини нафақат матбуот орқали, балки театр саҳнасидан туриб, англатишга ҳаракат қилган. Улар миллий матбуотни “Миллатнинг умумдарсхонаси”, театрни эса “ибратхона” дея таъриф этган. “Садои Туркистон” Убайдулла Асадуллахўжаев бош муҳаррирлигида чор ҳукуматининг ер, солиқ сиёсатига, сайлов тизимига қарши очиқдан-очиқ кураш олиб борган. Хусусан, Петербургда бўладиган Давлат Думасига чақириладиган 35 вакилдан лоақал 10 нафари туркистонлик туб маҳаллий аҳоли вакили бўлиши керак, “ҳуқуқ шуни тақозо қилур”, деб ёзади.

1914 йил 26 ноябрда бош муҳаррир шаҳар думасининг 3-йиғилишида сўзга чиқиб, ер ва ҳовлиларга солинадиган шаҳар солиғини оширмасликни, баъзи рус полиция маъмурлари бу борада қонунга хилоф ҳаракатлар билан мусулмонларга айбсиз жабр қилаётганликларини айтади. Унинг ташаббуси билан дума ҳузурида етти кишидан иборат ҳуқуқ комиссияси тузилади ва таркибига маҳаллий аҳолидан ягона вакил, яъни ўзи киритилади. Миллий матбуотимиз тарихидан муносиб ўрин олган “Садои Туркистон” газетаси 1915 йилнинг 10 апрелида 66-сони чоп этилгач, чор ҳукуматининг тазйиқи — “моддий танглик туфайли” деган асос билан тўхтатилади. Аммо Убайдулла Асадуллахўжаев ва Мунавваркори Абдурашидхонов фаол ижтимоий ҳаракатдан асло тўхтамади. Биринчи жаҳон уруши даврида чор ҳукумати томонидан фронт орқасида ишлаш учун Туркистондан сафарбар қилинган маҳаллий миллат фарзандларининг оғир қисматини енгиллатиш, ҳукуматнинг туркистонликларни мардикорлик ишига жалб этиш қарорини бекор қилиш мақсадида ҳаракат бошлайди. Айни пайтда “Садои Туркистон” газетасини Андижонда нашр этиш масаласи ҳам кўрилади. Бироқ бу режа амалга ошмайди — Фарғона вилояти ҳарбий губернатори газетани Андижонда чиқаришга рухсат этмайди.

1917 йил февраль ойида Россияда бўлиб ўтган инқилоб подшоҳлик тузумига барҳам берди. Император Николай II тахтдан қулайди. Ярим асрлик мустамлакачилик зулмидан чарчаган Туркистонда миллий озодлик ҳаракати авж олади. Миллат ўғлонлари — жадидлар сафида Убайдулла Асадуллахўжаев Туркистон мустақиллигини қўлга киритиш учун бутун халқни бирдамликка, якдил бўлишга чақиради. У 1917 йилнинг июлида Қозонда бўлиб ўтган Бутунроссия мусулмонлари қурултойида бундай деган эди: “Шу кунгача Туркистон рус капиталистлари учун говмиш сигир бўлиб келмоқда. Бугун Туркистон Россияга пахта етказувчидир. Туркистонда йилига 10-12 миллион пуд пахта етиштирилса, у ҳолда бизнинг пахтакорлар томонидан ишлаб топилган 100 миллион сўм ҳар йили рус капиталистлари чўнтагига тушмоқда”. Бутун Туркистон иқтисодини эгаллаб бораётган текинхўр рус буржуа сармоядорларининг қудрати нимада, деган саволга муаллиф “айб ўзимизда”, дея жавоб беради. Бу хўрликдан қандай қутулиш мумкин? У.Асадуллахўжаев қатъият билан: “Ўқимак ва ўрганмак билангина бу азоблардан қутулиш мумкин”, дейди. Акс ҳолда, “биз учун икки касб қолур. Ўғирлик ва гадоликдур” (“Садои Туркистон”, 1915 йил 1 апрель).

Қўқон шаҳрида 1917 йил 26-28 ноябрь кунлари Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойнинг 27 ноябрь куни қабул қилинган қарорида бундай дейилади: “Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Федератив Россия Республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилади”. 28 ноябрда ташкил топаётган давлатнинг номи Туркистон мухторияти эълон қилинади. Убайдулла Асадуллахўжаев — ҳарбий вазир, Бутунроссия мусулмонлари кенгаши марказий қўмитасининг аъзоси этиб сайланади. Аммо 1918 йил 19 февралда большевиклар Туркистон мухториятини ҳарбий куч билан ағдариб ташлайди. Тоталитар тузум миллатнинг асл фарзандларини, истиқлол курашчиларини бирма-бир таъқиб этиб, қувғин қила бошлайди. Дастлаб Маҳмудхўжа Беҳбудий сирли ўлим топади, сўнг Саидносир Миржалилов, Мунавваркори Абдурашидхонов, Убайдулла Асадуллахўжаев ва ўзбек халқининг бошқа ўнлаб мард ўғлонларига сиёсий айбловлар қўйилиб, Турон заминига ёғилган большевиклар балоси миллат фидойиларини мавҳ этди. Убайдулла Асадуллахўжаев 1927-1928 йилларда сиёсий айб билан қамалиб, 1936 йилда қамоқдан қайтади. 1937 йилда эса у яна қамалади, шу бўйи бедарак кетади.

Унинг бош муҳаррирлигида чоп этилган “Садои Туркистон” газетаси саҳифаларини варақлаймиз. “Убайдулло” имзоси остида ўндан зиёд бош мақола, жумладан, газетанинг 1-сонида “Мақсад ва маслак” сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Унда Убайдуллахўжа “Бизнинг бу жаридамиз Туркистон мусулмонларининг аҳволини ислоҳ ва ҳуқуқини мудофаа мақсади ила чиқорилган”, дея таъриф этади. Газетанинг илк сонларидан У.Асадуллахўжаев тузум зулмидан эзилиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан маҳрум мусулмонлар ҳаётини кенг таҳлил қилишга киришади.

Туркистоннинг Россия темир йўл тизимига кириши ўлкадаги табиий бойликларнинг беҳад ташиб кетилишига имкон яратди. Пахта, қоракўл, ипак, қуруқ мева сингари хомашё ва озиқ-овқат марказга оқа бошлади. Туркистон Русиянинг хомашё манбаига айлантирилган эди. Бунинг устига, ички Русиядан минглаб оилалар келтирилиб, Туркистоннинг энг серҳосил ерларига жойлаштирилиши, маҳаллий халқнинг бу жойлардан сиқиб чиқарилиши авж олган эди. Манбаларга кўра, 1887 йилнинг ўзида Россиядан 196 хонадон кўчиб келган бўлса, 1913 йилда бу рақам 2005 тага етган. Убайдуллахўжа чор ҳукумати юргизган бу машъум сиёсат ҳақида: “Бошқалар туфроғимиздан олтин олғонларини кўриб, бармоғимизни тишласак ҳайҳот!!! Бизим бу ғафлатимиздан кўзи очиқ халқлар тезлик ила фойдаланмакдалар” (“Садои Туркистон”, 1914 йил 4 апрель), — дея надомат чекади. — Рус мужиклари шул қадар узоқ ерлардан келуб ўн йилга етмасдан шунча боюб нашу намо қиладур”.

Бу аламли сатрлар замирида маҳаллий аҳолининг замонавий хўжалик юритиш усулларидан йироқлиги ҳам акс этган. У.Асадуллахўжаев оғзидаги ошини бегоналарга олдириб қўяётган ватандошларини сергакликка, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишлари учун билим ва саводли бўлишга чақиради. Бу унинг “Саноатимиз қўлдан кетур” сарлавҳали мақоласида ҳам ўз ифодасини топган. Чор мустамлакачилари ўлкада ишлаб чиқариш тизимини тобора эгаллаб олаётган эди. Бу хўрликларнинг бир чораси бормикин?! Убайдуллахўжа “Биз бу ҳол ила кетсак саноатимиз ҳам қўлдан кетар, амала (ишчи) ларимиз ишсиз қолур”, дея аччиқ ҳақиқатни ёзади. Бундан қутулишнинг бирдан бир чораси “Болаларимизни ҳар ҳил ҳунар мактабларига берайлук ва замонча тарбият қилайлук” (“Садои Туркистон”, 1914 йил, 4 апрель), деган хулосага келади.

Публицист мустамлакачилик зулмининг ҳар бир ниқобини очиб ташлаб, газета ўқувчиларида ҳуқуқий саводхонликни шакллантиришга интилган. Масалан, ўша пайтларда Тошкент шаҳрида электр трамвайлар ҳаракати йўлга қўйилган бўлиб, ҳайдовчилари руслардан иборат эди. Шаҳар думаси йиғилишида газета бош муҳаррири дума аъзоси сифатида трамвай ҳайдовчиларининг мусулмонларга тазйиқи, нописандлиги боис, йўлда бир неча бор ўлим ҳолатлари юз берганига тўхталиб, уларни доимий равишда тафтиш қилиб туриш масаласини кўтаради. Рус ва мусулмон аравакашларга бир хилда солиқ белгиланишини, акс ҳолда, бу маҳаллий аҳолининг камситилишига олиб келишини куюнчаклик билан гапирган.

1905-1907 йилларда Россиядаги инқилобий чиқишлар туфайли илк бор парламент — Давлат думаси ташкил топган эди. Давлат думасига Туркистондан ноиблар сайлаш борасида ҳам адолатсизлик юз берди. 1905 йил 11 декабрдаги сайлов қонунига кўра, барча маҳаллий хотин-қизлар, икки миллион ишчи, ҳарбий хизматчи, ўқувчи, умуман, 25 ёшга етмаган аҳоли сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Убайдуллахўжа бу масалани кўтаришда таҳририят номидан “Шаҳар сайлови ва мусулмонлар” сарлавҳали бош мақолани чоп эттирди: “Мусулмонлар нуфузи жиҳатига бир неча ҳисса кўп бўлғонлари ҳолда руслардан йигирма саккиз, мусулмонлардан йигирма иккигина ғласний (депутат) сайланур. Бу жиҳатдан қараганда, бизни камситув киби кўринса ҳам ҳозирги аҳволга қараганда қонун ва қоидани бир тарафга қўйуб, фақат ўзимиздан шикоят қилмакка мажбурмиз” (“Садои Туркистон”, 1914 йил 25 апрель).

Унинг “Шариат ва закун”, “Турли ўрунларда”, “Болаларимизни бахтсизлиғига кимлар сабаб?”, “Бизда шаҳар солиқлари” каби мақолалари озод ва ҳур Туркистон давлати қандай бўлиши ҳақидаги кўрсатмалар эди.

Халқпарвар бобомиздан тарих ва бугунимиз учун бебаҳо мерос қолди. Унинг “Садои Туркистон” саҳифаларида чоп этилган сиёсий-ҳуқуқий масалалардаги бош мақолалари ўзбек публицистикасининг шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшди. Бугунги кунда ҳам Убайдулла Асадуллахўжаев илгари сурган илғор ғоялар халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини янада оширишда, ўзлигини, тили ва динини асрашда маънавий хазина бўлиб хизмат қилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 27.
10887 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 21:55 Топширилди — 00:10

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru